

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНЧИЛИК ТҮПЛАМИ

49-сон  
(1173)  
2024 йил  
декабрь

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик түплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўtkазилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

## МУНДАРИЖА

### Биринчи бўлим

432. «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига қўшимчалар ва ўзгартириш киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2024 йил 4 декабрдаги ЎРҚ-1009-сон Қонуни

433. ««Махсус иқтисодий зоналар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига махсус иқтисодий зоналар фаолиятини мувофиқлашириш ва бошқариш тизимини соддалаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш хақида» Ўзбекистон Республикасининг 2024 йил 5 декабрдаги ЎРҚ-1010-сон Қонуни

### Иккинчи бўлим

434. «Болалар масалалари бўйича комиссиялар фаолиятининг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 2 декабрдаги ПФ-201-сон Фармони

435. «Қишлоқ хўжалиги соҳасида давлат бошқарувини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 2 декабрдаги ПҚ-413-сон қарори
436. «Давлат харидларида ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-куватлаш ҳамда уларга кенг имкониятлар яратиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 3 декабрдаги ПҚ-417-сон қарори
437. «Қишлоқ хўжалиги ҳамда ветеринария ва чорвачилик соҳалари кадрларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 4 декабрдаги ПҚ-420-сон қарори
438. «Жамоавий спорт турларини ривожлантириш ва иқтидорли ёшларни саралаб олиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 4 декабрдаги ПҚ-421-сон қарори
439. ««Фелон» туристик-рекреацион зонасини ва халқаро умуммавсумий курортни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 5 декабрдаги ПҚ-424-сон қарори

### *Бешинчи бўлим*

440. O‘zbekiston Respublikasi adliya vazirining 2024-yil 2-dekabrdagi 29-mh-son “Fuqarolik holati dalolatnomalarini yozish organlarida ish yuritish tartibi to‘g‘risidagi yo‘riqnomaga qo‘sishimchalar va o‘zgartirish kiritish haqida”gi buyrug‘i (*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2024-yil 4-dekabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 2547-7*)
441. Ўзбекистон Республикаси спорт вазирининг 2024 йил 27 ноябрдаги 8-мх-сон “Ўзбекистон Республикаси Спорт вазирлиги стипендиясини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг иловасига ўзгартириш киритиш ҳақида”ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил 4 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3479-1*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий хужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги маълумот

## БИРИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ ҚОНУНИ

# 432 Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига қўшимчалар ва ўзгариши киритиш тўғрисида\*

Қонунчилик палатаси томонидан 2024 йил  
13 августда қабул қилинган

Сенат томонидан 2024 йил 24 октябрда  
маъқулланган

Мамлакатимизда суд-ҳуқук соҳасини янада демократлаштиришга ва фуқароларнинг конституциявий хуқуқларини рўёбга чиқаришга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Хорижий давлатларда Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг хуқуқларини таъминлаш кафолатларини кучайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси томонидан айрим хорижий давлатлар билан озодликдан маҳрум этилган шахсларни жазони ўташни давом эттириш учун, шунингдек ўзига нисбатан тиббий йўсингдаги мажбурлов чоралари қўлланилган шахсларни мажбурий даволашни давом эттириш учун қабул қилиб олиш ва бериш тўғрисида халқаро шартномалар тузилган.

Шу муносабат билан бугунги кунда Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексида хорижий давлат судининг қарори тан олиниши ва ижрога қаратилишини, озодликдан маҳрум этилган шахсларни ҳамда ўзига нисбатан тиббий йўсингдаги мажбурлов чоралари қўлланилган шахсларни қабул қилиб олиш ҳамда бериш асосларини, шунингдек суд жараёни иштирокчиларининг процессуал мақомини тартибга солувчи нормаларни назарда тутувчи қоидаларни белгилаш зарурияти юзага келмоқда.

Ушбу Қонун билан бугунги кунда Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси хорижий давлат судининг қарори тан олиниши ва ижрога қаратилишини, озодликдан маҳрум этилган шахсни жазони ўташни давом эттириш учун, шунингдек ўзига нисбатан тиббий йўсингдаги мажбурлов чораси қўлланилган шахсни мажбурий даволашни давом эттириш учун қабул қилиб олишни ҳамда хорижий давлатга беришни назарда тутувчи янги 66-боб билан тўлдирилмоқда. Шунингдек озодликдан маҳрум этилган шахсларни ва ўзига нисбатан тиббий йўсингдаги мажбурлов чоралари қўлланилган шахсларни қабул қилиб олиш ҳамда бериш асослари, суд жараёни иштирокчиларининг процессуал мақоми белгиланмоқда.

Ушбу Қонун хориждаги фуқароларнинг конституциявий хуқуқлари ва

---

\* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 5 декабрда эълон қилинган.

эркинликлари самарали химоя қилинишини кучайтиришга, миллий қонунчиликда озодликдан маҳрум этилган шахсларни ҳамда ўзига нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўлланилган шахсларни қабул қилиб олиш ва бериш тартибининг норматив-хукуқий асосини шакллантиришга ҳамда уларга белгиланган жазони ўз давлатида ўташ имкониятини бериш орқали ижтимоий реабилитация қилинишини жадаллаштиришга хизмат қилади.

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2013–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 2, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 269-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 11, 23-моддалар, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 418-модда; 2006 йил, № 6, 261-модда; 2007 йил, № 4, 166-модда, № 6, 248, 249-моддалар, № 9, 422-модда, № 12, 594, 595, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 177, 187-моддалар, № 9, 482, 484, 487-моддалар, № 12, 636, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 136-модда, № 9, 335-модда, № 12, 469, 470-моддалар; 2010 йил, № 6, 231-модда, № 9, 334, 336, 337, 342-моддалар, № 12, 477-модда; 2011 йил, № 4, 103, 104-моддалар, № 9, 252-модда, № 12/2, 363-модда; 2012 йил, № 1, 3-модда, № 9/2, 244-модда, № 12, 336-модда; 2014 йил, № 9, 244-модда; 2015 йил, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 385-модда; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 506, 510-моддалар, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 5-моддалар, № 4, 218, 224-моддалар, № 7, 430, 431-моддалар, № 10, 679-модда; 2019 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161-модда, № 5, 259, 267-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469-модда, № 9, 589, 592-моддалар, № 10, 671-модда, № 11, 787, 791-моддалар, № 12, 880, 881, 891-моддалар; 2020 йил, № 3, 204-модда, № 5, 296-модда, № 12, 689-модда; 2021 йил, № 1, 5, 11, 13, 14-моддалар, № 2, 142, 144-моддалар, 4-сонга илова, № 8, 800, 803-моддалар, № 9, 903-модда, № 10, 973-модда, № 12, 1193-модда; 2022 йил, № 2, 81-модда, № 3, 216-модда, № 4, 337-модда, № 6, 575-модда; 2023 йил, № 3, 184, 185-моддалар, № 4, 265, 269-моддалар, № 5, 319-модда, № 9, 713-модда; 2024 йил, № 1, 8-модда, № 2, 115-модда) қўйидаги қўшимчалар ва ўзгартириш киритилсин:

1) **29-модданинг биринчи қисми** «прокурорнинг гувоҳ ва жабрланувчининг (фуқаровий даъвогарнинг) қўрсатувларини олдиндан мустаҳкамлаш тўғрисидаги илтимосномасини кўриб чиқиш» деган сўзлардан кейин «прокурорнинг хорижий давлат судининг қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги илтимосномасини кўриб чиқиш» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

2) **542-модданинг номи ва биринчи қисми** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«542-модда. Ҳукмни, ажримни ва қарорни ижро этиш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш тартиби**

Ҳукмни, ажримни ва қарорни ижро этиш тўғрисидаги масалалар судья томонидан прокурор ҳамда маҳкум иштирокида, ушбу Кодекс 613-моддасининг бешинчи қисмида назарда тутилган ҳолларда эса маҳкум ёки ўзига нисбатан тиббий йўсингдаги мажбурлов чораси қўлланилган шахс иштироки сиз суд мажлисида ҳал қилинади. Маҳкумнинг ушбу Кодекс 532-моддасида назарда тутилган хуқуқлари таъминланади. Судья вояга етмаган, шунингдек жисмоний нуқсонлари бўлган ёки руҳий ҳолати бузилган маҳкумларга доир ҳукмларни ижро этиш билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқаётганида химоячи иштирок этиши шарт»;

3) қўйидаги мазмундаги **66-боб** билан тўлдирилсин:

**«66-боб. Хорижий давлат судининг қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш. Озодликдан маҳрум этилган шахсни жазони ўташни давом эттириш учун, шунингдек ўзига нисбатан тиббий йўсингдаги мажбурлов чораси қўлланилган шахсни мажбурий даволашни давом эттириш учун қабул қилиб олиш ва хорижий давлатга бериш**

**610-модда. Ўзбекистон Республикаси томонидан хорижий давлат судининг қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш**

Хорижий давлат судининг қарори ушбу Кодексда белгиланган тартибда ва Ўзбекистон Республикасининг ҳалқаро шартномаларига мувофиқ қўйидаги ҳолларда Ўзбекистон Республикасида тан олиниши ва ижрога қаратилиши мумкин:

1) хорижий давлатда озодликдан маҳрум этиш тарзидағи жазога ҳукм қилинган ва жазони ўтаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароси — жазони Ўзбекистон Республикасида ўташни давом эттириш учун қабул қилиб олингандা;

2) хорижий давлат ҳудудида ақли норасолик ҳолатида ижтимоий хавфли қилмиш содир этган ёки ушбу қилмишни содир этганидан кейин руҳий ҳолатининг бузилиши юзага келган Ўзбекистон Республикаси фуқаросига нисбатан хорижий давлат судининг тиббий йўсингдаги мажбурлов чорасини қўллаш тўғрисидаги қарори мавжуд бўлса, — мажбурий даволашни Ўзбекистон Республикасида давом эттириш учун қабул қилиб олингандা;

3) хорижий давлат суди томонидан ҳукм қилиниб, жазони ўтамаган шахс хорижий давлат томонидан Ўзбекистон Республикасига ушлаб берилгандা;

4) хорижий давлат суди томонидан ҳукм қилинган Ўзбекистон Республикаси фуқаросини хорижий давлатга ушлаб бериш рад этилгандা;

5) Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида назарда тутилган бошқа ҳоллардан.

**611-модда. Озодликдан маҳрум этилган шахсни жазони ўташни давом эттириш учун, шунингдек ўзига нисбатан тиббий йўсингдаги мажбурлов чораси қўлланилган шахсни мажбурий даволашни давом эттириш учун бериш ва қабул қилиб олиш асослари**

Ушбу Кодексда белгиланган тартибда ва Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига асосан:

1) жазони ўташни давом эттириш учун — Ўзбекистон Республикаси суди томонидан озодликдан маҳрум этилган чет эл фуқароси ўзи фуқаролигига мансуб бўлган давлатга берилиши ёки хорижий давлат суди томонидан озодликдан маҳрум этилган Ўзбекистон Республикаси фуқароси хорижий давлатдан қабул қилиб олиниши мумкин;

2) мажбурий даволашни давом эттириш учун — Ўзбекистон Республикаси худудида ақли норасолик ҳолатида ижтимоий ҳавфли қилмишни содир этган ёки ушбу қилмишни содир этганидан кейин руҳий ҳолати бузилиши юзага келган ва ўзига нисбатан тиббий йўсингдаги мажбурлов чорасини қўллаш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси судининг қарори мавжуд бўлган чет эл фуқароси ўзи фуқаролигига мансуб бўлган давлатга берилиши ёки хорижий давлат суди томонидан ўзига нисбатан тиббий йўсингдаги мажбурлов чорасини қўллаш тўғрисида қарор қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси фуқароси хорижий давлатдан қабул қилиб олиниши мумкин.

**612-модда. Озодликдан маҳрум этилган шахсни жазони ўташни давом эттириш учун, шунингдек ўзига нисбатан тиббий йўсингдаги мажбурлов чораси қўлланилган шахсни мажбурий даволашни давом эттириш учун қабул қилиб олиш шартлари**

Ушбу Кодекснинг 611-моддасида кўрсатилган шахсларни Ўзбекистон Республикаси томонидан қабул қилиб олишга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазони ўтаётган ёки мажбурий даволанишда бўлган шахснинг ёхуд унинг қонуний вакилининг ёки яқин қариндошининг аризасига, шунингдек қабул қилинаётган шахснинг ёки унинг қонуний вакилининг розилиги билан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг ёки хорижий давлат ваколатли органининг сўровига кўра йўл қўйилади.

**613-модда. Озодликдан маҳрум этилган шахсни жазони ўташни давом эттириш учун, шунингдек ўзига нисбатан тиббий йўсингдаги мажбурлов чораси қўлланилган шахсни мажбурий даволашни давом эттириш учун қабул қилиб олиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш**

Ушбу Кодекснинг 611-моддасида кўрсатилган шахслар ва уларнинг қо-

нуний вакиллари ёки яқин қариндошлари, шунингдек хорижий давлатнинг ваколатли органлари Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасига озодликдан маҳрум этилган шахсни жазони ўташни давом эттириш учун ёхуд ўзига нисбатан тиббий йўсингдаги мажбуровлор чораси қўлланилган шахсни мажбурий даволашни давом эттириш учун Ўзбекистон Республикасига қабул қилиб олиш тўғрисида мурожаат қилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасига ушбу Кодекснинг 611-моддасида кўрсатилган шахсларни қабул қилиб олиш тўғрисида мурожаат қилинганидан ва ушбу шахсларнинг фуқаролиги тасдиқланганидан кейин Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хорижий давлатнинг ваколатли органига масалани ҳал этиш учун зарур бўлган хужжатларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборади.

Сўров қаноатлантирилган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ёки унинг ўринбосари ушбу Кодекснинг 611-моддасида кўрсатилган шахсларни қабул қилиш тўғрисида қарор қабул қиласди. Шундан кейин Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ёки унинг ўринбосари хорижий давлат судининг қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисида судга илтимоснома киритади.

Илтимоснома ушбу Кодекснинг 611-моддасида кўрсатилган шахсларнинг доимий яшаш жойи бўйича, уларнинг доимий яшаш жойи мавжуд бўлмаган тақдирда Ўзбекистон Республикаси худудида охирги рўйхатга олинган жойи бўйича, ушбу Кодекснинг 542-моддасида назарда тутилган тартибда жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судининг судъяси томонидан кўриб чиқиласди.

Маҳкумнинг ёки ўзига нисбатан тиббий йўсингдаги мажбуровлор чораси қўлланилган шахснинг йўқлиги хорижий давлат судининг қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги илтимосноманинг суд томонидан кўриб чиқилишига тўскىнлик қилмайди.

**614-модда. Озодликдан маҳрум этилган шахсни жазони ўташни давом эттириш учун, шунингдек ўзига нисбатан тиббий йўсингдаги мажбуровлор чораси қўлланилган шахсни мажбурий даволашни давом эттириш учун қабул қилиб олишда жазони белгилаш тартиби**

Жазони ўташ учун халқаро шартномаларга мувофиқ хорижий давлат томонидан топширилган маҳкумга нисбатан жазо муддати хорижий давлат судининг ҳукми билан тайинланган муддатга мутаносиб равища хисобланади.

Агар Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига мувофиқ содир этилган жиноят учун озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазонинг энг кўп муддати хорижий давлат судининг ҳукми билан тайинланган муддатдан кам бўлса, суд Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексида мазкур жинояни содир этганлик учун озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазонинг энг кўп муддатини белгилайди.

Агар хорижий давлат суди томонидан шахсга хорижий давлат худудида содир этган жинояти учун озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо тайинланган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексида эса ушбу

жиноят учун озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилмаган бўлса, суд мазкур жиноят учун Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси Маҳсус қисмининг тегишли моддасида назарда тутилган оғирроқ жазо турини тайинлайди.

Шахснинг хорижий давлат ҳудудида содир этган жинояти учун тайинланган жазо тури Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексида назарда тутилмаган ҳолларда, суд хорижий давлат суди томонидан тайинланган жазо турига мос келадиган, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексида назарда тутилган бошқа жазо турини тайинлайди.

Агар хорижий давлат судининг ҳукми билан шахсга бир неча қилмиш учун жазо тайинланган бўлиб, уларнинг айримлари Ўзбекистон Республикасида жиноят ҳисобланмаса, суд хорижий давлат судининг ҳукми бўйича тайинланган жазонинг қайси қисми Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига мувофиқ жиноят ҳисобланадиган қилмишга нисбатан қўлланилишини белгилайди.

Хорижий давлат судининг қарори билан тайинланган қўшимча жазони тан олиш ва ижрога қаратиш суд томонидан ушбу жиноятнинг хусусиятидан келиб чиқсан ҳолда, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ва ушбу Кодексга мувофиқ ҳал қилинади.

Хорижий давлат судининг қарори билан тайинланган жазонинг маҳкум томонидан ўталган қисми суд томонидан ажрим чиқаришда жазо муддатига қўшиб ҳисобланади.

### **615-модда. Суд ажрими**

Суд илтимосномани кўриб чиқиб ажрим чиқаради, унда қўйидагилар қўрсатилади:

- 1) хорижий давлат судининг номи, қарор қабул қилинган вақт ва жой;
- 2) маҳкумнинг ёки ўзига нисбатан тиббий йўсингани мажбурлов чораси қўлланилган шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исми, Ўзбекистон Республикасидаги охирги яшаш жойи, ҳукм қилингунига ёки ўзига нисбатан тиббий йўсингани мажбурлов чораси қўлланилгунига қадар ишлаган жойи ва лавозими, фуқаролиги тўғрисидаги маълумотлар;
- 3) содир этилишида шахс айбли деб топилган жиноятнинг тавсифи ва шахснинг ҳукм қилинишига ёхуд ўзига нисбатан тиббий йўсингани мажбурлов чораси қўлланилишига асос бўлган хорижий давлат жиноят тўғрисидаги қонунининг моддаси (қисми, банди);
- 4) маҳкум ёки ўзига нисбатан тиббий йўсингани мажбурлов чораси қўлланилган шахс содир этган жиноят учун жавобгарлик назарда тутилган Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг моддаси (қисми, банди);
- 5) маҳкумнинг Ўзбекистон Республикасида ўташи керак бўлган жазо тури ва муддати, тегишли тартибли колония тури, фуқаролик даъвоси бўйича келтирилган заарнинг ўрнини қоплаш ёки ундириш тартиби, мажбурий даволанаётган шахсга нисбатан қўлланилиши лозим бўлган тиббий йўсингани мажбурлов чорасининг тури;
- 6) ушбу Кодексда назарда тутилган бошқа маълумотлар.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ёки унинг ўринбосари томонидан хорижий давлат судининг қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисида киритилган илтимосномани кўриб чиқишида, агар суд:

1) хорижий давлат судининг қарори билан ҳукм қилинган ёхуд ўзига нисбатан тиббий йўсингдаги мажбуровлор чораси қўлланилган шахснинг қилмиши ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига мувофиқ жиноят ҳисобланмаслиги;

2) жазони ижро этиш муддати ўтиб кетганлиги туфайли ёхуд ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига ёки халқаро шартномаларида назарда тутилган бошқа асосга кўра хорижий давлат судининг қарорини ижро этиш мумкин эмаслиги;

3) хорижий давлат судининг қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш ўзбекистон Республикасининг манфаатларига, суверенитетига ёки хавфсизлигига зарар етказиши мумкинлиги ҳақида хуносага келса, хорижий давлат судининг қарорини тан олишни ва ижрога қаратишни рад этиш тўғрисида ажрим чиқаради.

Суднинг ажрими ўқиб эшиттирилган кундан эътиборан кучга киради ҳамда ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасига унинг ижросини таъминлаш чораларини кўриш учун, ҳимоячига ва бошқа манфаатдор шахсларга эса маълумот учун юборилади.

### **616-модда. Қабул қилиб олинган шахсга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазони ижро этиши ёки тиббий йўсингдаги мажбуровлор чорасини қўллашни ташкил этиш**

Хорижий давлат судининг қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги суд ажрими чиқарилганидан кейин ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига, зарур бўлган тақдирда эса ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига шахсни хорижий давлат ҳудудида жазони ижро этиш муассасасидан ёки психиатрия муассасасидан бериш ва қабул қилиб олиш жойини, вақтини, тартибини ва ташкил этилишини келишиш тўғрисида топшириқ беради.

Ушбу Кодекснинг 611-моддасида кўрсатилган шахсларга нисбатан жазони ижро этиш ёки мажбурий даволаш ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига мувофиқ амалга оширилади.

Ушбу Кодекснинг 611-моддасида кўрсатилган шахсларга нисбатан муддатидан илгари шартли озод қилиш, жазонинг ўталмай қолган қисмини енгилроқ жазо билан алмаштириш, афв этиш, амнистия актини қўллаш, шунингдек тиббий йўсингдаги мажбуровлор чорасини қўллашни бекор қилиш ёки ўзгартириш ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига ва халқаро шартномаларида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хорижий давлатнинг ваколатли органини жазони ижро этиш ёки мажбурий даволаш ҳолати ва натижаси тўғрисида қўйидаги ҳолларда хабардор қиласди:

1) жазони ижро этиш ёки мажбурий даволаш Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига мувофиқ якунланганида;

2) ушбу Кодекснинг 611-моддасида кўрсатилган шахслар вафот этганида ёки қочиб кетганида.

**617-модда. Хорижий давлат судининг қарорини ўзгартириш ёки бекор қилиш**

Хорижий давлат судининг қарорини қайта кўриб чиқиш билан боғлиқ ҳар қандай масалалар мазкур давлатнинг суди томонидан ҳал қилинади.

Ўзбекистон Республикасида жазо ўтаётган ёки мажбурий даволанаётган шахсга нисбатан чиқарилган хорижий давлат судининг қарори бекор қилинган ёки ўзгартирилган ёхуд хорижий давлат ёки Ўзбекистон Республикаси томонидан амнистия ёки афв этиш акти қўлланилган тақдирда, хорижий давлат судининг қайта кўриб чиқилган қарорини ижро этиш, шунингдек амнистия ёхуд афв этиш актини қўллаш масалалари Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига мувофиқ ҳал қилинади.

Агар хорижий давлат судининг қарори бекор қилинган ва иш суд муҳокамасида янгитдан кўриш учун тайинланган бўлса, келгусида жазони ўташ тўғрисидаги масала Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси томонидан ушбу Кодексга мувофиқ ҳал қилинади.

**618-модда. Озодликдан маҳрум этилган шахсни жазони ўташни давом эттириш учун, шунингдек ўзига нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораси қўлланилган шахсни мажбурий даволашни давом эттириш учун бериш шартлари**

Ушбу Кодекснинг 611-моддасида кўрсатилган шахсларни Ўзбекистон Республикаси томонидан бериш озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазони ўтаётган ёки мажбурий даволанишда бўлган шахснинг ёхуд унинг қонуний вакилининг ёки яқин қариндошининг аризасига кўра, шунингдек берилаётган шахснинг ёки унинг қонуний вакилининг розилиги билан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратрасининг ёки хорижий давлат ваколатли органининг сўровига кўра йўл қўйилади.

Ушбу Кодекснинг 611-моддасида кўрсатилган шахсларни Ўзбекистон Республикаси томонидан бериш Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ёки унинг ўринбосарининг қарорига кўра амалга оширилади.

**619-модда. Озодликдан маҳрум этилган шахсни жазони ўташни давом эттириш учун, шунингдек ўзига нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораси қўлланилган шахсни мажбурий даволашни давом эттириш учун бериш тўғрисидаги масалани ҳал қилиш тартиби**

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ёки унинг ўринбосари ушбу Кодекснинг 611-моддасида кўрсатилган шахсларни бериш тўғрисидаги ма-

териалларни ўрганиб ва текшириб чикқанидан кейин, агар улар тегишли тарзда расмийлаштирилган бўлса ҳамда ушбу Кодексда ва Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида назарда тутилган асослар мавжуд бўлганда мазқур шахсларни бериш тўғрисида қарор қабул қиласди, бу хақда хорижий давлатнинг ваколатли органига ва бериш масаласини кўриб чиқиш тўғрисида мурожаат қилган шахсга хабар қиласди.

Ушбу Кодекснинг 611-моддасида кўрсатилган шахсларнинг берилиши уларни муддатидан илгари шартли равища озод қилиш, жазонинг ўтальмай қолган қисмини енгилроқ жазо билан алмаштириш, афв этиш, амнистия актини қўллаш, шунингдек тиббий йўсингдаги мажбурлов чорасини қўллашни тугатиш ёки ўзгартириш тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигида назарда тутилган тартибда илтимос қилиш хукуқидан маҳрум этмайди.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ушбу Кодекснинг 611-моддасида кўрсатилган шахсни бериш тўғрисида қабул қилинган қарор ҳақида, шунингдек хорижий давлат судининг Ўзбекистон Республикаси судининг қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги қарори ҳақида хукмни ёки ажримни чиқарган судни хабардор қиласди.

Ўзбекистон Республикасида амнистия акти эълон қилинган тақдирда, прокурорнинг илтимосномасига биноан суд берилган шахсга нисбатан амнистия актини қўллаш тўғрисидаги масалани кўриб чиқади.

**620-модда. Берилган шахсга нисбатан суд ҳукмини бекор қилиш ёки ўзгартириш, шунингдек тиббий йўсингдаги мажбурлов чорасини қўллашни тугатиш ёки ўзгартириш тўғрисидаги хабарнома**

Хорижий давлатга жазони ўташни давом эттириш учун берилган шахсга нисбатан Ўзбекистон Республикаси судининг ҳукмини ёки мажбурий даволашни давом эттириш учун берилган шахсга нисбатан тиббий йўсингдаги мажбурлов чорасини қўллаш тўғрисидаги суд ажрими бекор қилинган ёки ўзгартирилган тақдирда, шунингдек уларга нисбатан Ўзбекистон Республикасида амнистия акти ёхуд афв этиш қўлланилган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хорижий давлатнинг ваколатли органига тегишли қарорнинг кўчирма нусхасини юборади.

**621-модда. Озодликдан маҳрум этилган шахсни жазони ўташни давом эттириш учун, шунингдек ўзига нисбатан тиббий йўсингдаги мажбурлов чораси қўлланилган шахсни мажбурий даволашни давом эттириш учун хорижий давлатга беришни рад этиш**

Ушбу Кодекснинг 611-моддасида кўрсатилган шахсларни бериш қўйидаги ҳолларда рад этилиши мумкин, агар:

1) шахснинг озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилинишига ёки унга нисбатан тиббий йўсингдаги мажбурлов чораси қўлланилишига сабаб бўлган қилмишларнинг хеч бири у фуқароси бўлган давлатнинг ёки доимий

яшаш жойидаги давлатнинг қонунчилигига кўра жиноят деб эътироф этилмаса;

2) озодликдан маҳрум этилган шахсни ёки ўзига нисбатан тиббий йўсиндаги мажбуровлор чораси қўлланилган шахсни бериш тўғрисида мазкур давлат билан келишувга эришилмаган бўлса;

3) озодликдан маҳрум этилган шахсни ёки ўзига нисбатан тиббий йўсиндаги мажбуровлор чораси қўлланилган шахсни бериш Ўзбекистон Республикасининг манфаатларига зарар етказиши мумкин бўлса;

4) озодликдан маҳрум этилган шахс ёки ўзига нисбатан тиббий йўсиндаги мажбуровлор чораси қўлланилган шахс ҳукмни ижро этувчи давлатнинг фуқароси бўлмаса;

5) хорижий давлатда жиноий жавобгарликка тортиш муддати ўтиб кетганилиги оқибатида ёки ушбу давлатнинг қонунчилигига назарда тутилган бошқа асосларга кўра жазони ижро этиш мумкин бўлмаса;

6) озодликдан маҳрум этилган шахсни бериш тўғрисидаги сўров олинган пайтда озодликдан маҳрум қилиш жазосининг ўталмай қолган қисми олти ойдан кам бўлса;

7) хорижий давлатнинг қонунчилигига худди шундай тиббий йўсиндаги мажбуровлор чораси назарда тутилмаган бўлса;

8) хорижий давлатда зарурий даволанишни ва тегишли маҳсус тиббий чораларни таъминлаш имкони мавжуд бўлмаса;

9) Ўзбекистон Республикасининг тегишли ҳалқаро шартномаларида назарда тутилган бошқа ҳолларда.

### **622-модда. Озодликдан маҳрум этилган шахсни жазони ўташ учун беришнинг ҳуқуқий оқибатлари**

Ҳукмни ижро этувчи давлатга жазони ўташ учун берилган озодликдан маҳрум этилган шахсга нисбатан ушбу давлат худудида худди шу каби жиноят учун ҳукм қилинган шахсларга нисбатан айни шундай ҳуқуқий оқибатлар келиб чиқади.

Бошқа давлат суди томонидан ҳукм қилинган ва жазони ижро этиш учун берилган шахс ҳукмни ижро этувчи давлат худудида айнан шу қилмиши учун такроран жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин эмас.

### **623-модда. Озодликдан маҳрум этилган шахсни жазони ўташни давом эттириш учун, шунингдек ўзига нисбатан тиббий йўсиндаги мажбуровлор чораси қўлланилган шахсни мажбурий даволашни давом эттириш учун бериш ва қабул қилиб олиш билан боғлиқ харажатлар**

Озодликдан маҳрум этилган шахсни жазони ўташни давом эттириш учун, шунингдек ўзига нисбатан тиббий йўсиндаги мажбуровлор чораси қўлланилган шахсни мажбурий даволашни давом эттириш учун бериш ва қабул қилиб олиш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикасининг ҳалқаро шартномаларида белгиланган тартибида амалга оширилади».

**2-модда.** Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти ахоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**3-модда.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:  
хукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштиrsин;  
республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-хукуқий хужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**4-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2024 йил 4 декабрь,  
ЎРҚ-1009-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ  
ҚОНУНИ**

**433 «Махсус иқтисодий зоналар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига махсус иқтисодий зоналар фаолиятини мувофиқлаштириш ва бошқариш тизимини соддалаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида\***

Қонунчилик палатаси томонидан 2024 йил  
16 июлда қабул қилинган

Сенат томонидан 2024 йил 21 сентябрда  
маъқулланган

Кейинги йилларда мамлакатимизда кичик тадбиркорликни ривожлантириш, кичик тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва мазкур йўналишга инвестицияларни жалб этиш бўйича изчил ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Махсус иқтисодий зоналар, кичик саноат зоналари, ёшлар саноат зоналари ва тадбиркорлик зоналари фаолиятини тартибга солувчи қонунчилик базаси шакллантирилди, маъмурий функцияларни номарказлаштириш, махсус иқтисодий зоналар дирекцияларининг ва ёшлар саноат зоналарини бошқарувчи ягона дирекцияларнинг ваколатларини кенгайтириш орқали уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш механизми соддалаштирилди.

Шу билан бирга махсус иқтисодий зоналар фаолиятини тартибга солишида, ер участкаларини электрон онлайн-аукцион орқали ажратишда, инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда яратилган имкониятлардан саноат зоналари дирекциялари тўлиқ фойдалана олмаётганлиги уларнинг фаолиятига салбий таъсир кўрсатмоқда. Бундан ташқари махсус иқтисодий зоналар ҳудудида фаолиятни амалга ошириш истагини билдирган инвесторларга қўшимча қулийликлар яратиш учун уларнинг махсус иқтисодий зоналар дирекциялари ва давлат ташкилотлари билан ҳамкорлик жараёнлари автоматлаштирилишини талаб этмоқда.

Ушбу Қонун билан «Махсус иқтисодий зоналар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига махсус иқтисодий зоналарнинг маъмурий кенгашларини тугатиб, уларнинг вазифаларини махсус иқтисодий зоналар дирекцияларининг зиммасига юклатишини назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Бундан ташқари Қонунда махсус иқтисодий зоналар ҳудудида инвестиция лойиҳаларини жойлаштириш бўйича қарорлар қабул қилиш муддатларини мақбуллаштириш ва инвестиция лойиҳаларининг бизнес-режалари ёки техник-иктисодий асосларига экспертиза хulosалари олиш талаби бекор қилиниб, лойиҳаларнинг ушбу Қонунда белгиланган талабларга мувофиқлиги тўғрисидаги хуроса махсус иқтисодий зоналар дирекциялари томонидан

\* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллӣ базаси»да 2024 йил 6 декабрда эълон қилинган.

мустакил равишда қабул қилиниши ҳақидаги нормани белгилаш назарда тутилмоқда.

Ушбу Қонун мазкур соҳадаги ишларни тизимли равишда ташкил этиш мақсадида ташкил этилган маҳсус иқтисодий зоналари фаолиятини бошқариш ва мувофиқлаштириш тизимини янада соддалаштиришга, инвестицияларни жалб этиш учун шарт-шароитларни яхшилашга, инвестиция лойиҳаларини жадал амалга оширишга ҳамда шу асосда янги иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли даромадларини оширишга хизмат қиласди.

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 17 февралда қабул қилинган «**Маҳсус иқтисодий зоналар тўғрисида**»ги ЎРҚ-604-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2020 йил, № 2, 106-модда; 2021 йил, 4-сонга илова; 2022 йил, № 6, 570-модда; 2023 йил, № 11, 923-модда; 2024 йил, № 2, 105-модда) қўйидаги ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсан:

1) **3-модданинг еттинчи хатбошисидаги** «маҳсус иқтисодий зонанинг маъмурий кенгаши» деган сўзлар «маҳсус иқтисодий зоналарнинг фаолият кўрсатишини ва уларни ривожлантиришни ташкил этиш соҳасидаги ваколатли давлат органи билан келишилган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари» деган сўзлар билан алмаштирилсан;

2) **4-модданинг:**

**тўртинчи хатбошиси** чиқариб ташлансан; **бешинчи, олтинчи ва еттинчи хатбошилари** тегишинча **тўртинчи, бешинчи ва олтинчи хатбошилар** деб ҳисоблансан;

3) **5-модданинг ўнинчи хатбошисидаги** «ҳамда маъмурий кенгашларининг» деган сўзлар чиқариб ташлансан;

4) **7-модданинг:**

**учинчи қисми** қўйидаги таҳрирда баён этилсан:

«Маҳсус иқтисодий зонанинг дирекцияси маҳсус иқтисодий зона ҳудудида жойлашган, бўш турган ва фаолият кўрсатмаётган давлат мулки обьектларини инвестиция мажбуриятларини қабул қилган ҳолда, маҳсус иқтисодий зона иштирокчиларига электрон онлайн-аукцион савдоларида реализация қилиш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли»;

**олтинчи қисмидаги** «Маҳсус иқтисодий зона маъмурий кенгашининг» деган сўзлар «Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсан;

5) **16-модданинг тўртинчи қисмидаги** «кейинчалик эркин иқтисодий зонанинг маъмурий кенгашига тақдим этиш учун» деган сўзлар чиқариб ташлансан;

6) **17-модданинг иккинчи қисмидаги** «кейинчалик эркин иқтисодий зонанинг маъмурий кенгашига тақдим этиш учун» деган сўзлар чиқариб ташлансан;

7) **20-модданинг учинчи қисмидаги** «Давлат бошқаруви органлари»

деган сўзлар «Республика ижро этувчи ҳокимият органлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

8) **21-модда учинчи қисмининг тўртинчи хатбошисидаги «маъмурий кенгашига»** деган сўзлар «дирекциясига» деган сўз билан алмаштирилсин;

9) **23-модда** чиқариб ташлансин;

10) **24-модда:**

**Иккинчи қисми:**

куйидаги мазмундаги **ўнинчи — ўн учинчи хатбошилар** билан тўлдирилсин:

«махсус иқтисодий зона худудида амалга ошириш учун инвестиция лойиҳаларини саралаб олишни амалга оширади;

махсус иқтисодий зона иштирокчиларига инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун ер участкаларини электрон онлайн-аукционга чиқариш тўғрисида қарорлар қабул қиласди;

махсус иқтисодий зонанинг мұхандислик-коммуникация ва транспорт инфратузилмаси курилиши бўйича лойиҳаларнинг ўз вақтида амалга оширилишини ташкил этади;

махсус иқтисодий зона дирекциясининг йиллик даромадлар ва харажатлар сметасини кўриб чиқади ҳамда тасдиқлади»;

**ўнинчи, ўн биринчи ва ўн иккинчи хатбошилари** тегишинча **ўн тўртинчи, ўн бешинчи ва ўн олтинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

**учинчи қисмидаги** «махсус иқтисодий зона маъмурий кенгашининг» деган сўзлар «Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

куйидаги мазмундаги **бешинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Алоҳида ҳолларда, махсус иқтисодий зона дирекциясининг ушбу Қонунда назарда тутилган ваколатлари қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ коллегиал ва бошқа органларга юклатилиши мумкин. Бунда мазкур модда иккинчи қисмининг ўнинчи — ўн учинчи хатбошиларида ва ушбу Конун 28-моддасининг биринчи қисмida назарда тутилган ваколатлар 2025 йил 1 январга қадар ташкил этилган амалдаги коллегиал ва бошқа органлар томонидан амалга оширилиши мумкин»;

11) **25-модданинг биринчи қисмидаги** «маъмурий кенгашининг ва» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

12) **27 ва 28-моддалар** қуийидаги таҳрирда баён этилсин:

**«27-модда. Инвестиция буюртманомасини махсус иқтисодий зонанинг дирекцияси томонидан кўриб чиқиши**

Махсус иқтисодий зона дирекциясига келиб тушган инвестиция буюртманомаси ўша куннинг ўзида, иш вақти тугаганидан кейин келиб тушган бўлса, кейинги иш куни рўйхатдан ўтказилади.

Махсус иқтисодий зона дирекцияси инвестиция буюртманомасини ва унга илова қилинадиган ҳужжатларни инвестиция лойиҳасини амалга оширилсин;

ришнинг иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлиги нуқтаи назаридан, шунингдек уларнинг ушбу Қонуннинг 15 — 19-моддаларида назарда тутилган талабларга мувофиқлигини ўн иш куни ичидаги кўриб чиқади ва инвесторга тегишили хulosас беради.

Инвестиция буюртманомасини кўриб чиқиш жараёнида маҳсус иқтисодий зона дирекцияси инвесторга инвестиция лойиҳасига ўзгартирishлар (қўшимчалар) киритишни таклиф қилиши мумкин. Бунда маҳсус иқтисодий зона дирекциясининг таклифлари унинг хulosасида акс эттирилади. Инвестор таклиф этилаётган ўзгартирishларга (қўшимчаларга) рози бўлмаган тақдирда маҳсус иқтисодий зона дирекцияси томонидан инвестор иштирокида инвестиция буюртманомасини тақорорий кўриб чиқиш амалга оширилади.

Хужжатлар маҳсус иқтисодий зоналар тўғрисидаги қонунчилик талабларига мувофиқ бўлмаган тақдирда хужжатлар тўплами қайтариш сабаблари асослантирилган ҳолда қайтариб юборилади. Қайтариш учун асос бўлиб хизмат қилган сабаблар бартараф этилганидан кейин инвестиция буюртманомаси маҳсус иқтисодий зона дирекциясига тақороран тақдим этилиши мумкин.

Тақдим этилган хужжатларда нотўғри ёки бузиб кўрсатилган маълумотлар аниқланган тақдирда, маҳсус иқтисодий зонанинг дирекцияси инвестиция буюртманомасини кўриб чиқиши тугатади, инвестиция буюртманомаси эса қайтариш сабаблари асослантирилган ҳолда инвесторга қайтарилиши лозим.

Инвестор томонидан инвестиция буюртманомасини тақдим этиш, унинг маҳсус иқтисодий зона дирекцияси томонидан кўриб чиқилиши электрон тарзда амалга оширилиши мумкин.

Маҳсус иқтисодий зона дирекциясининг директори ва ушбу зона масъул ходимлари ўз зиммасига юклатилган мажбуриятларни бажариши муносабати билан инвестиция буюртманомасини ва унга илова қилинадиган хужжатларни кўриб чиқиш чорида ўзларига маълум бўлиб қолган маълумотларга нисбатан маҳфийликка риоя этиши шарт.

## **28-модда. Инвестиция буюртманомасини кўриб чиқиш якунлари бўйича қарор қабул қилиш**

Инвестиция буюртманомасини кўриб чиқиш якунлари бўйича маҳсус иқтисодий зона дирекциясининг қарори баённома билан расмийлаштирилиб, баённома маҳсус иқтисодий зона дирекциясининг директори томонидан тасдиқланади.

Баённомадан кўчирма инвестиция буюртманомасини берган инвесторга топширилади.

Маҳсус иқтисодий зона ҳудудида инвестиция лойиҳасини амалга ошириш тўғрисидаги қарор қўйидагилар учун асос бўлади:

инвестиция буюртманомасида кўрсатилган инвестиция лойиҳасини амалга ошириш учун зарур бўлган ер участкасини электрон-онлайн аукционга қўйиш;

электрон-онлайн аукцион ғолиби билан инвестиция битимини тузиш; ер участкасини ёки бўш турган (фойдаланилмаётган) бинони унинг уму-

мий майдонини ва жойлашган ерини белгилаган ҳолда электрон онлайн-аукционга қўйиш.

Инвестиция буюртманомасини берган инвестор инвестиция лойиҳасини амалга оширишнинг мақсадга мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги қарор устидан қонунчиликда белгиланган тартибда шикоят қилиши мумкин.

Ушбу модданинг амал қилиши маҳсус саноат зоналарининг ҳудудларида амалга ошириш учун таклиф этилаётган инвестиция лойиҳаларига нисбатан татбиқ этилмайди. Бунда инвестиция буюртманомасини ва унга илова қилинадиган ҳужжатларни кўриб чиқиши ҳамда экспертизадан ўтказиш маҳсус саноат зонасини бошқарувчи компания томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайдиган тартибда мустақил равишда амалга оширилади»;

**13) 31-модданинг:**

**иккинчи қисми** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Юридик шахснинг маҳсус иқтисодий зона иштирокчиси мақомини йўқотиши тўғрисидаги қарор маҳсус иқтисодий зонанинг дирекцияси томонидан маҳсус иқтисодий зоналарнинг фаолият кўрсатишини ва уларни ривожлантиришни ташкил этиш соҳасидаги ваколатли давлат органи билан келишилган ҳолда қабул қилинади»;

**тўртинчи қисми** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Маҳсус иқтисодий зонанинг иштирокчиси билан инвестиция битими маҳсус иқтисодий зона дирекциясининг қарорига биноан бекор қилинади ва иштирокчи Маҳсус иқтисодий зона иштирокчиларининг реестридан чиқарилади»;

**бешинчи қисмидаги** «маҳсус иқтисодий зонанинг маъмурий кенгашини» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**14) 32-модданинг тўртинчи қисмидаги** «маҳсус иқтисодий зонанинг маъмурий кенгаши ҳамда» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**15) 33-модда:**

**биринчи қисмининг иккинчи жумласи** чиқариб ташлансин;

**иккинчи қисмидаги** «маъмурий кенгаши» деган сўзлар «дирекция» деган сўз билан алмаштирилсин;

**учинчи қисмидаги** «маъмурий кенгашининг» деган сўзлар «дирекциясининг» деган сўз билан алмаштирилсин;

**16) 34-модданинг иккинчи қисмидаги** «маъмурий кенгашининг баённомаси (ундан кўчирма)» деган сўзлар «дирекцияси қарори (ундан кўчирма)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**17) 41-модданинг:**

**биринчи қисмидаги** «маҳсус иқтисодий зонанинг маъмурий кенгаши томонидан» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**иккинчи қисми** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Маҳсус иқтисодий зона дирекциясининг даромадлари Маҳсус иқтисодий зона иштирокчиларининг реестрига киритганлик учун олинадиган тўловлардан, маҳсус иқтисодий зона дирекциясининг фойдаланишида ва бошқарувида бўлган бинолар, иншоотлар ва ер участкаларига бўлган ижара хукуқини

электрон онлайн-аукцион воситасида сотишдан, шартномалар бўйича хизматлар кўрсатишдан келиб тушадиган тушумлардан ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар хисобидан шакллантирилади»;

18) **46-модданинг матнидаги** «Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳамда бошқа манбаатдор ташкилотлар» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

19) **47-модданинг учинчи хатбошисидаги** «давлат бошқаруви органлари» деган сўзлар «республика ижро этувчи ҳокимият органлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**2-модда.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

хукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштиrsин;

республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-хукуқий хужжатларини қайта кўриб чиқишилари ва бекор қилишларини таъминласин;

ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда мохияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунирилишини таъминласин.

**3-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2024 йил 5 декабрь,  
ЎРҚ-1010-сон

## ИККИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

#### **434 Болалар масалалари бўйича комиссиялар фаолиятининг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида\***

Мамлакатимизда болалар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш ҳамда соҳанинг институционал ва ҳуқуқий асосларини тубдан такомиллаштириш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, янги таҳирдаги Ўзбекистон Республикаси-нинг Конституциясида болаларнинг соғлифи, хавфсизлиги, тўлиқ жисмоний, ақлий ва маънавий ривожланишини, иқтидори ва истеъодини юзага чиқаришни таъминловчи кафолатлар сезиларли даражада кучайтирилди, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Бола ҳуқуқлари бўйича вакили (Болалар омбудсмани) институти таъсис этилди, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга ғамхўрлик қилиш, уларнинг устувор равишда оила муҳитида ўсиб-улғайиши учун шароитлар яратишга қаратилган янги тизим жорий этилди.

Болалар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишда манзилли ва самарали чора-тадбирларни белгилаш, болалар соғлигини сақлаш, саломатлигини тиклаш, таълимга жалб этиш, касбга йўналтириш, уларни мустақил ҳаётга тайёрлаш, ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоя қилиш ҳамда ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишларини амалга оширишда идоралараро ҳамкорлик ва ҳисобдорлик тизимини йўлга қўйиш, шунингдек, болалар масалалари бўйича комиссиялар фаолиятининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш мақсадида:

##### 1. Қўйидагилар:

Болалар масалалари бўйича миллий комиссиянинг янгиланган таркиби 1-иловага\*\* мувофиқ;

Болалар масалалари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри ва туман (шаҳар) комиссияларининг намунавий таркиблари 2- ва 3-иловаларга\*\* мувофиқ тасдиқлансан.

2. Болалар масалалари бўйича миллий комиссия ва Болалар масалалари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри ва туман (шаҳар) комиссияларининг (кейинги ўринларда — болалар масалалари бўйича комиссиялар) асосий вазифалари этиб қўйидагилар белгилансин:

болаларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини амалда рўёбга чиқариш, уларнинг жисмоний, интеллектуал, маънавий ҳамда

\* Ушбу Фармон «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 3 декабрда эълон қилинган.

\*\* 1 — 3-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ахлоқий жихатдан камол топишига, қобилияти ва истеъдодини тўлиқ намоён этишига кўмаклашиш бўйича чора-тадбирларни мувофиқлаштириш;

болаларнинг ҳуқуклари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида бажарилаётган ишларни тизимли таҳлил қилиш, баҳолаш ва самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;

ижтимоий етимликнинг олдини олиш ва болаларнинг устувор равишда оила мухитида ўсиб-улғайишини таъминлаш мақсадида болаларни оиласа тарбияга бериш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар ва тарбияга бериш тизимнинг самарадорлигини таҳлил қилиш ҳамда ушбу тизимни такомиллаштириш бўйича таклифлар киритиб бориш;

сифатли таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш, болаларга чуқур билим бериш, уларнинг билим, малака ва кўникмаларини шакллантириш бўйича давлат органлари томонидан амалга оширилаётган ишларни мунтазам таҳлил қилиб бориш ҳамда таълим олишига тўсқинлик қилаётган омилларни бартарраф этиш юзасидан таъсирчан чораларни белгилаш;

«Хавфсиз мактаб» тизими кенг жорий этилишига қаратилган ва мактабларда ахлоқий-психологик мухитни яхшилаш бўйича дастурлар амалга оширилиши ҳолатини таҳлил қилиб бориш;

болаларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, уларни спорт билан мунтазам шугулланишга жалб этиш, айниқса, қишлоқ ва чекка худудларда болалар спортини янада ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ишлар натижасини муҳокама қилиб бориш;

алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларни инклузив таълимга жалб қилиш, тиббий-ижтимоий реабилитация қилиш ва жамиятга интеграциясини таъминлаш бўйича кўрилаётган чоралар самарадорлигини баҳолаш;

болаларни ватанпарварликка ундейдиган таълим-тарбия самарадорлигини, ватанпарварлик ва Ватанга садоқат хиссини юксалтириш бўйича кўрилаётган чоралар таъсирчанлигини ошириш;

болалар саломатлигини асраш, уларга сифатли тиббий ёрдам кўрсатиш, улар орасида соғлом турмуш тарзини ва тўғри овқатланишни йўлга қўйиш, таълим ташкилотларида болаларнинг озиқ-овқат таъминоти, уларнинг сифати ва санитария ҳолатини ўрганиб бориш ва яхшилаш бўйича зарур чораларни кўриш;

болаларда ҳуқуқбузарликларга қарши иммунитетни шакллантириш, улар орасида ҳуқуқбузарлик, назоратсизлик ва ғайриижтимоий хатти-харакатларнинг, шунингдек, болалар эксплуатацияси, уларга нисбатан зўравонликнинг олдини олиш ва уларнинг реабилитациясини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳолатини таҳлил қилиш ва улар самарадорлигини ошириш чораларини кўриш;

болалар ўртасида спиртли ичимликлар, гиёхвандлик воситалари ва психотроп моддаларни истеъмол қилиш ёки бошқа салбий иллатларни эрта босқичларда аниқлаш, даволаш ва тиббий-ижтимоий реабилитация қилиш бўйича амалга оширилаётган ишларни таҳлил қилиш ва уларнинг ечими бўйича таклифлар тайёрлаш;

ижтимоий химояга муҳтоҷ болаларни қўллаб-куватлаш, уларни ижти-

моий-хуқуқий ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар самарадорлигини баҳолаб бориш ва уларни янада такомиллаштириш бўйича таклифларни кўриб чиқиш;

болалар билан ишлаш тизимидағи камчиликлар, уларнинг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш, таҳлил қилиш ҳамда бартараф этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

давлат органлари ва ташкилотларининг, болалар масалалари бўйича худудий комиссияларнинг болаларнинг хуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш.

### 3. Белгилансинки:

Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги, унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бошқармалари ҳамда туман (шаҳар) «Инсон» ижтимоий хизматлар марказлари тегишлича Болалар масалалари бўйича миллий комиссия ва ҳудудий комиссияларнинг ишчи органи вазифасини бажаради. Бунда Миллий гвардияга комиссиялар ишчи органларига комиссиялар йиғилишларини ўтказиш, комиссиялар фаолияти учун зарур ахборотларни тўплаш ва таҳлил қилишда кўмаклашиб вазифаси юклатилади;

болалар масалалари бўйича комиссиялар ўз ваколатига кирадиган масалалар юзасидан ҳар чорақда камида бир марта йиғилиш ўтказади;

болалар масалалари бўйича комиссияларнинг бола хуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлашга қаратилган таклифлари давлат органлари ва ташкилотлари томонидан мажбурий тартибда кўриб чиқилади;

болалар масалалари бўйича комиссиялар ўз йиғилишларида давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарларининг комиссия фаолиятига доир масалалар бўйича ахборотларини эшитиб боради, шунингдек, ваколатлари доира-сига кирувчи масалалар юзасидан давлат органлари, шу жумладан, хуқуқни муҳофаза қилувчи органларни жалб қилади;

Инсон хуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республика Миллий маркази томонидан Бола хуқуқлари тўғрисидаги конвенция талаблари бўйича БМТга тақдим этиш учун тайёрланган ҳисобот ҳамда БМТ устав ва шартномавий органларининг ушбу ҳисоботни кўриб чиқиш якунлари бўйича берилган таклиф ва тавсиялари Болалар масалалари бўйича миллий комиссия мажлислирида дастлабки тарзда кўриб чиқилади ва якуни бўйича тегишли тавсиялар берилади;

болалар масалалари бўйича комиссияларнинг ишчи органлари ўртасида ги вазифалар тақсимоти тегишли комиссия раиси томонидан белгиланади.

4. Олий Мажлиснинг Бола хуқуқлари бўйича вакили (Болалар омбудсмани) котибииятига Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги штат бирликлари ҳисобидан қўшимча 2 та штат бирлиги ажратилсин.

5. Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ва Олий Мажлиснинг Бола хуқуқлари бўйича вакили (Болалар омбудсмани)нинг таълим ташкилотларида болаларга нисбатан зўравонлик ҳолатларига йўл қўйган педагог ва тарбиячиларнинг келгусида болалар билан ишлаш бўйича меҳнат фаолиятини давом эттириши учун муайян чекловларни, қўшимча талабларни назарда тутиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Адлия вазирлиги Олий Мажлиснинг Бола ҳукуқлари бўйича вакили (Болалар омбудсмани), Камбағаликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳамда Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги билан биргаликда уч ой муддатда ушбу бандда назарда тутилган норматив-ҳукуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги Олий таълим фан ва инновациялар вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда педагогларнинг тарбияланувчилар, ўкувчи ва талаба ёшлар билан ўзаро муносабатларини тартибга солувчи барча ҳужжатларни замонавий талаблар асосида, шу жумладан, болаларга нисбатан зўравонликнинг олдини олиш бўйича таъсирчан механизмларни назарда тутган ҳолда тўлиқ қайта кўриб чиқсин.

6. Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги уч ой муддатда Миллий гвардия ҳамда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни, шу жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 6 июлдаги «Болалар масалалари бўйича миллий комиссия тўғрисидаги низомни ва Болалар масалалари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳамда туман (шаҳар) комиссиялари тўғрисидаги намунавий низомни тасдиқлаш хақида»ги 363-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритишни назарда тутувчи Ҳукумат қарори лойиҳасини белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

7. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадио-компанияси ҳамда бошқа оммавий ахборот воситаларига ушбу Фармоннинг мазмун-моҳияти ва амалий аҳамиятини кенг ёритиш тавсия этилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 августдаги «Бола ҳукуқларининг кафолатларини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6275-сон Фармонига 4-илова-га\* мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

9. Мазкур Фармон ижросини самараали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Миллий гвардия қўмондони Р.М. Джураев ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари белгилансин.

Фармон ижроси учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси — Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги директори М.П. Оллоёров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2024 йил 2 декабрь,  
ПФ-201-сон

\* 4-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**

**435 Қишлоқ хўжалиги соҳасида давлат бошқарувини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида\***

Сўнгги йилларда мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат соҳасини ислоҳ қилиш, хусусан, соҳада давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга худудлар агросаноат тармоғидаги давлат бошқаруви орғанлари вазифа ва функцияларининг тақороланиши, худудларда ягона бошқарув тизимининг мавжуд эмаслиги самарали ҳамкорликни йўлга қўйишга, соҳада ягона давлат сиёсатини олиб бориш ва стратегик вазифа ва ислоҳотларни етарлича амалга оширишга тўсқинлик қилмоқда. Мазкур ҳолат худудларда қишлоқ хўжалиги соҳасида ягона интеграциялашган давлат бошқаруви тизимини йўлга қўйиш заруратини келтириб чиқармоқда.

Янги Ўзбекистон шароитида аграр соҳада замонавий талабларга жавоб берадиган ихчам, интеграциялашган давлат бошқаруви тизимини йўлга қўйиш, олиб борилаётган ислоҳотларнинг самарадорлигини янада ошириш ва тизим фаолиятини трансформация қилиш мақсадида:

1. Қўйидагилар:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимларни тузилмаларига — Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазири тақдимномасига биноан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда лавозимга тайинланадиган ва лавозимидан озод этиладиган Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ва вилоятлар ҳокимларининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари — Қорақалпоғистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазири, вилоят қишлоқ хўжалиги бошқармаси бошлиғи лавозими;

туман (Қувасой шаҳар) ҳокимларни тузилмаларига — Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ва вилоятлар ҳокимларининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари — Қорақалпоғистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазири, вилоят қишлоқ хўжалиги бошқармаси бошлиғи тақдимномасига биноан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда лавозимга тайинланадиган ва лавозимидан озод этиладиган ҳокимнинг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари — туман (Қувасой шаҳар) қишлоқ хўжалиги бўлими бошлиғи лавозими киритилсин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ва вилоятлар ҳокимларининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари — Қорақалпоғистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазири, вилоят қишлоқ хўжалиги бошқармаси бошлиқлари ҳамда туман (Қувасой шаҳар) ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари — ту-

---

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 3 декабрда эълон қилинган.

ман (Қувасой шаҳар) қишлоқ хўжалиги бўлими бошлиқлари қўйидагиларга алоҳида эътибор қаратсан:

озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги соҳаларини модернизациялаш, диверсификация қилиш ва барқарор ўсишини қўллаб-қувватлаш учун хусусий инвестиция капитали оқимини кўпайтириш орқали соҳада давлат иштирокини камайтириш ва инвестициявий жозибадорликни ошириш механизмларини жорий қилиш;

республика аҳолисининг сувга бўлган муттасил ошиб бораётган эҳтиёжларини қондириш учун шарт-шароитлар яратиш, сув ресурсларини тежаш ва ундан самарали фойдаланишни таъминлаш чораларини кўриш;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини харид қилиш ва сотишда бозор таъмйилларини кенг жорий этиш, сифат назорати бўйича инфратузилмани ривожлантириш, қулай инвестиция муҳитини яратиш, экспортни кўпайтириш, мақсадли халқаро бозорларда рақобатбардош, юқори сифатли қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқаришни назарда тутувчи қулай агробизнес муҳити ва қўшилган қиймат занжирини яратиш;

қишлоқ жойларини мувозанатли ва барқарор тараққий эттиришга кўмаклашишни назарда тутувчи қишлоқ худудларини ривожлантириш дастурларини амалга оширишни таъминлаш;

қишлоқ хўжалиги соҳасида рақамли (смарт) технологияларни кенг жорий этиш, янги иш ўринлари ва хизматларни ташкил қилиш чорасини кўриш.

### 3. Қўйидагилар:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимлеклари тузилмаларида — Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоят ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари лавозими;

туман (Қувасой шаҳар) ҳокимлеклари тузилмасидаги — ҳокимнинг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари лавозими;

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (кейинги ўринларда — вазирлик) тузилмасидаги — Қорақалпоғистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазири ва вилоятлар қишлоқ хўжалиги бошқармалари бошлиғи ҳамда туманлар (Қувасой шаҳар) қишлоқ хўжалиги бўлимлари бошлиғи лавозимлари тугатилсан.

Бунда вазирликнинг мазкур бандга мувофиқ тугатилаётган штат бирликлари ҳисобига унинг худудий бўлинмаларида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга масъул ходим лавозими жорий этилади.

### 4. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги икки ой муддатда:

вазирликнинг озиқ-овқат маҳсулотларини етиштириш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш борасидаги ваколатларига оид норматив-хуқуқий хужжат лойиҳасини;

озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш борасидаги тақдимномаларни бажармаганлик учун жавобгарликни белгилаш юзасидан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича қонун лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсан.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимлеклари ҳамда қишлоқ хўжалиги вазири И.Ю. Абдурахмонов мазкур қа-

рорнинг 2-банди билан белгиланган вазифаларнинг самарали бажарилишини таъминлаш ҳамда юзага келадиган муаммоларни бартараф этиш чораларини кўриб борсин.

6. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан ке-либ чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсинг.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айrim ҳужжатларига иловага\* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

8. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб қишлоқ хўжалиги вазири И.Ю. Абдурахмонов белгилансин.  
Қарор ижросини назорат қилиш, ижро учун масъул идоралар фаолияти-ни мувофиқлаштириш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2024 йил 2 декабрь,  
ПҚ-413-сон

---

\* Илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**

**436 Давлат харидларида ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-куватлаш ҳамда уларга кенг имкониятлар яратиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида\***

«Ўзбекистон — 2030» стратегиясида белгиланган ислоҳотларни самарали амалга ошириш ҳамда жорий йил 20 август куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан тўртинчи очиқ мулокоти доирасида белгиланган устувор вазифаларни бажариш, шунингдек, давлат харидларини амалга оширишда ишлаб чиқарувчиларга қуладай рақобат муҳитини таъминлаш, уларнинг давлат харидларида иштирокини қўллаб-куватлаш мақсадида:

1. 2025 йил 1 январдан бошлаб ишлаб чиқарувчилар томонидан ўзлари ишлаб чиқарган товарларни таклиф этишининг қўйидаги йўналишларини назарда тутувчи очиқ ва шаффоф Ишлаб чиқарувчилар экотизими жорий қилинсин:

худудлар ва товарлар кесимида ишлаб чиқарувчилар тўғрисидаги саноат харитасини ишлаб чиқиши;

давлат буюртмачилари ва ишлаб чиқарувчилар ўртасида, шунингдек, ишлаб чиқарувчилар ўртасида ўзаро кооперация алоқаларини ўрнатиш ва офтейк шартномалар тузиш имкониятини яратиш;

«B2B» ва «B2C» форматида «маркетплейс» шаклидаги эркин савдо майдончасини ташкил этиши;

давлат буюртмачилари томонидан устувор равишда Ишлаб чиқарувчилар экотизимига киритилган ишлаб чиқарувчилардан товарларни харид қилиш, халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари иштирокидаги лойиҳалар доирасида харид қилиш бўйича алоҳида тартиб белгиланган холлар бундан мустасно.

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Ишлаб чиқарувчилар экотизимининг тўлиқ жорий этилиши ва унинг барқарор фаолият юритишини таъминлаш учун масъул ташкилот эканлиги белгилаб қўйилсин.

2. Белгилансинки:

давлат харидларида ишлаб чиқарувчиларнинг иштирокини янада кенгайтириш мақсадида «давлат харидлари — бизнесга кўмак» тамоили асосида «тадбиркорбай» ишлаш тизими йўлга қўйилади;

иқтисодиёт ва молия, разнацилик органлари ходимлари ҳоким ёрдамчилари билан биргаликда ҳар бир ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланувчи тадбиркор билан манзилли ишлаб, уларга давлат харидларида фаол иштирок этишга кўмаклашади;

ишлаб чиқарувчилар давлат харидлари бўйича маҳсус ахборот порталидан рўйхатдан ўтказилади, шунингдек, уларнинг оферталари бир вақтнинг ўзида барча давлат харидлари электрон тизимларида жойлаштирилади;

---

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 4 декабрда эълон қилинган.

электрон дўкон ва бошлангич нархни пасайтириш учун ўтказиладиган аукцион савдоларида ишлаб чиқарувчиларга улар томонидан етказиб берилган товарлар миқдорига мутаносиб равишда ҳақ тўлаб берилади.

3. Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг юқори ва ўрта барқарорлик рейтинги тоифаларига мансуб тадбиркорлик субъектлари хисобланган ишлаб чиқарувчиларга барча давлат харидлари электрон тизимларида:

давлат харидларида иштирок этиш учун воситачилик йиғими миқдорига нисбатан 50 фоиз чегирма тақдим этиш;

харид қилиш тартиб-таомилларида иштирок этишда қўшимча закалат киритмаслик тўғрисидаги таклифлари маъқуллансан.

4. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра 2025 йил 1 январдан бошлаб: республика ижро этувчи ҳокимият органлари ва хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ва уларнинг ўринbosарлари фаолиятининг энг муҳим самардорлик кўрсаткичлари давлат харидларини амалга оширишда тўғридан-тўғри тузиладиган шартномалар, шунингдек, импорт улушкини кескин камайтириб бориш каби мезонлар асосида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 13 мартағи ПФ-49-сон Фармонига мувофиқ белгиланади;

республика ижро этувчи ҳокимият органлари ва йирик давлат корхоналари томонидан ҳар ярим йил якунига кўра амалга оширилган давлат харидлари, шу жумладан, импорт ва тўғридан-тўғри харидларнинг улушкини кескин камайтириш бўйича кўрилган чоралар юзасидан Вазирлар Маҳкамасига хисбот бериб бориш тизими йўлга қўйилади;

давлат харидлари соҳасида назоратни амалга оширувчи давлат органлари ушбу соҳада аниқлаган хуқуқбузарликлар, шунингдек, хато ва камчиликлар тўғрисидаги маълумотлар давлат харидлари бўйича маҳсус ахборот порталаида шахсга доир маълумотлар тўғрисидаги қонунчиликка риоя этган ҳолда доимий очиқлаб борилади;

харид қилиш тартиб-таомилида давлат харидларини амалга ошириш учун талабгор сифатида иштирок этаётган тадбиркорлик субъектларининг давлат харидлари жараёнидаги фаолиятини электрон ахборот тизимларидан олинган маълумотлар асосида маҳсус ахборот порталаида инсон омилисиз баҳолаб борувчи скоринг тизими жорий этилади;

давлат харидлари бўйича маҳсус ахборот порталаида хорижий давлатлардаги давлат харидларида иштирок этиш бўйича ўқув материаллари жойлаштирилади ва ҳар чоракда янгила борилади.

5. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги уч ой муддатда:

Савдо-саноат палатаси билан биргаликда электрон кооперация портали фаолиятини тубдан қайта кўриб чиқиб, уни такомиллаштириш чораларини кўрсинг;

хорижий эксперталар билан ҳамкорликда давлат харидлари тизимида мавжуд муаммоларни бартараф этиш ҳамда янги услуг ва механизмларни жорий этиш, шунингдек, тадбиркорлик субъектлари томонидан консорциум ташкил этган ҳолда, давлат харидларида иштирок этиш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсан.

6. Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг давлат харидлари соҳасидаги ама-

лий ишлар самарадорлигини ҳамда мавжуд имкониятларни доимий муҳокама қилиб бориш мақсадида Иқтисодиёт ва молия вазирлиги хузурида тегишли тармоқ уюшмаларидағи фаол ишлаб чиқарувчилардан иборат жамоатчилик асосида фаолият юритувчи «Харид ислоҳотчилари гурӯҳи»ни ташкил этиш тӯғрисидаги таклифга розилик берилсин.

Давлат харидларида ишлаб чиқарувчилар учун яратилган имкониятлар самарадорлигини ўрганиш ва соҳада мавжуд қўшимча имкониятларни амалиётга жорий қилиш ҳамда бу борада тегишли таклифларни тайёрлаш мазкур гурӯхнинг асосий вазифаларидан бири этиб белгилансин.

7. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари тадбиркорлик субъектлари, шунингдек, ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг давлат харидларидағи иштирокини кенгайтиришга қаратилган тарғибот ишлари мунтазам равишда ташкил этилишини таъминласин.

8. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тӯғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

9. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Баш вазир ўринбосари Ж.А. Кўчкоров белгилансин.

Қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Баш вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2024 йил 3 декабрь,  
ПҚ-417-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**

**437 Қишлоқ хўжалиги ҳамда ветеринария ва чорвачилик соҳалари кадрларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида\***

Қишлоқ хўжалиги ҳамда ветеринария ва чорвачилик соҳаларидаги раҳбар, мутахассислар, олий таълим ҳамда илмий-тадқиқот муассасалари раҳбар ва илмий кадрларини узлуксиз касбий ривожлантириш тизими самародорлигини таъминлаш, уларнинг касбий билим, кўникума ва маҳоратини мунтазам ошириб бориш, малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, шунингдек, ходимларнинг касбий, педагогик малака ва маҳоратини узлуксиз ошириш мақсадида:

1. Қўйидагилар ташкил этилсин:

а) Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигига билим ва инновациялар миллӣ маркази (кейинги ўринларда — Миллӣ марказ) тизимида қўйидагилар негизида давлат муассасаси шаклида Қишлоқ хўжалиги соҳаси кадрларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институти (кейинги ўринларда — Институт):

Тошкент давлат аграр университети ҳузуридаги Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тармоқ маркази;

Тошкент давлат аграр университети ҳузуридаги «Агробизнес ва бошқарув» ўёналиши бўйича агросаноат мажмуи учун раҳбар ва мутахассис кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш маркази;

Халқаро қишлоқ хўжалиги университети ҳузуридаги Қишлоқ хўжалиги соҳасида кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази;

Озиқ-овқат технологияси ва муҳандислиги халқаро институти ҳузуридағи Агробизнес субъектлари салоҳиятини ошириш маркази;

б) Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси ҳузурида қўйидагилар негизида давлат муассасаси шаклида Ветеринария ва чорвачилик соҳасида педагог ҳамда мутахассис кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти (кейинги ўринларда — Ветеринария соҳасида кадрлар малакасини ошириш институти):

Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети ҳузуридағи Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази;

Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети ҳузуридағи Кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш маркази.

2. Қишлоқ хўжалиги соҳаси кадрларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институти ҳамда Ветеринария ва чорвачилик соҳасида педагог ҳамда мутахассис кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оши-

\* Ушбу карор «Қонунчилик маълумотлари миллӣ базаси»да 2024 йил 6 декабрда эълон қилинган.

риш институтининг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Белгилансинки, Институт ва Ветеринария соҳасида кадрлар малакасини ошириш институти тегишлича мазкур қарорнинг 1-бандида назарда тутилган таълим ташкилотларининг барча хукуқ ва мажбуриятлари бўйича хукуқий вориси ҳисобланади.

4. Қишлоқ хўжалиги соҳаси кадрларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институти ҳамда Ветеринария ва чорвачилик соҳасида педагог ҳамда мутахассис кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтида ташкил этиладиган қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишлари 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ Қишлоқ хўжалиги вазирлиги марказий аппарати, тизим ташкилотлари, худудий таркибий бўлинмалар ходимлари ва унинг тизимидағи ташкилотлар раҳбар ва мутахассис кадрлари ҳар уч йилда камида бир марта малака ошириш курслида ўқитилиши шарт.

6. Институт ва Ветеринария соҳасида кадрлар малакасини ошириш институтида қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларини муваффақиятли тамомлаган тингловчиларга қатъий ҳисобда турадиган давлат намунасидаги хужжат ҳисобланадиган сертификат берилади.

7. Белгилансинки:

а) Институтнинг умумий штат бирликлари сони 23 та (профессор-ўқитувчилар таркиби ҳамда техник ва хизмат кўрсатувчи ходимлардан ташқари) этиб белгиланади, шундан:

10 та штат бирлигини сақлаш Давлат бюджети ҳисобидан;

13 та штат бирлигини сақлаш Институтнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан амалга оширилади;

б) Ветеринария соҳасида кадрлар малакасини ошириш институтининг умумий штат бирликлари сони 15 та (профессор-ўқитувчилар таркиби ҳамда техник ва хизмат кўрсатувчи ходимлардан ташқари) этиб белгиланади, шундан:

8 та штат бирлигини сақлаш Давлат бюджети ҳисобидан;

7 та штат бирлигини сақлаш Ветеринария соҳасида кадрлар малакасини ошириш институтининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан амалга оширилади;

в) Институт ва Ветеринария соҳасида кадрлар малакасини ошириш институтининг ходимларига қонунчилик хужжатларида давлат олий таълим муассасалари ходимлари учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш, моддий рафбатлантириш ва ижтимоий ҳимоя шартлари татбиқ этилади.

Бунда меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари бўйича Институт ва Ветеринария соҳасида кадрлар малакасини ошириш институтининг директори — олий таълим муассасаси ректорига, директор ўринбосари — олий таълим муассасаси проректорига тенглаштирилади.

8. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (И. Абдурахмонов) ҳамда Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси (Б. Норқобилов) 2025 йил 1 ян-

варга қадар Институт ва Ветеринария соҳасида кадрлар малакасини ошириш институтига нуфузли хорижий олий таълим ташкилотларини битирган ватандошлар ва чет эллик мутахассисларни, шунингдек, ушбу муассасаларнинг методик хизмат кўрсатиш бўлимларига юқори малакали ва тажрибали кадрларни жалб қилсин.

9. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳамда Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси икки ой муддатда тегишлича Институт ва Ветеринария соҳасида кадрлар малакасини ошириш институтининг тузилмаси ва штат жадвалини ҳамда уставини тасдиқласин.

10. Белгилаб қўйилсинки:

Институтга Миллий марказнинг тавсиясига кўра қишлоқ хўжалиги вазири томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимидан озод этиладиган директор раҳбарлик қилади;

Ветеринария соҳасида кадрлар малакасини ошириш институтига Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси раиси томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимидан озод этиладиган директор раҳбарлик қилади.

11. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳамда Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда Институт ва Ветеринария соҳасида кадрлар малакасини ошириш институтининг ўқув режалари ва дастурларини тасдиқласин.

12. «Эл-юрт умиди» жамғармаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳамда Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси билан биргаликда Институт ва Ветеринария соҳасида кадрлар малакасини ошириш институтининг маҳаллий профессор-ўқитувчиларини «Эл-юрт умиди» жамғармаси маблағлари ҳисобидан хорижий етакчи олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларига малака ошириш, стажировка ва ўқишга юбориш чораларини кўрсин.

13. Қишлоқ хўжалиги вазири ҳамда Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси раисига зарур ҳолларда тегишлича Институт ва Ветеринария соҳасида кадрлар малакасини ошириш институтининг тасдиқланган тузилмаларига ходимларнинг белгиланган умумий чекланган сони ҳамда меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида ўзгаришиш ва қўшимчалар киритиш хуқуқи берилсин.

14. Институт ва Ветеринария соҳасида кадрлар малакасини ошириш институти фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб қўйидагилар белгилансан:

Давлат бюджети маблағлари;

тингловчиларни тўлов-контракт асосида ўқитишдан тушадиган маблағлар;

хўжалик фаолиятидан ҳамда шартнома асосида хизматлар кўрсатишдан тушадиган тушумлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

халқаро молия ташкилотларининг грант маблағлари;

қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

15. Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги ҳамда Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитасига тегишлича Институт ва Ветеринария соҳасида кадрлар малакасини ошириш институтининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан:

нуфузли хорижий олий таълим ташкилотларининг малакали ҳамда тажрибали профессор-ўқитувчилари, етук мутахассис ва маслаҳатчиларини жалб этиш, уларга меҳнат бозорининг амалдаги конъюнктурасини ҳисобга олган ҳолда иш ҳақи тўлашга;

ходимларнинг етакчи хорижий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларида малака ошириши ва стажировка ўташи билан борлиқ харажатлар учун тўловларни амалга оширишга;

Институт ва Ветеринария соҳасида кадрлар малакасини ошириш институти фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадида зарур техника ва технологиялар, асбоб-ускуналар, компьютер дастурлари ва алоқа воситаларини харид қилишга рухсат берилсин.

16. Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги ҳамда Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси:

икки ой муддатда Институт ва Ветеринария соҳасида кадрлар малакасини ошириш институтининг бюджетдан ташқари маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартибини белгиловчи низомлар ишлаб чиқсан;

икки ой муддатда қишлоқ ҳўжалиги ҳамда ветеринария ва чорвачилик соҳасида ходимларни узлуксиз касбий ривожлантиришни ташкил этишга оид Ҳукумат қарори лойиҳасини ишлаб чиқсан ва белгиланган тартибда Вазирлар Махкамасига киритсин;

уч ой муддатда Институт ва Ветеринария соҳасида кадрлар малакасини ошириш институти фаолиятини йўлга қўйиш мақсадида 2025-2026 йилларга мўлжалланган «йўл харитаси»ни ҳамда ушбу муддатда эришиш лозим бўлган мақсадли индикаторларни, қишлоқ ҳўжалиги ҳамда ветеринария ва чорвачилик соҳаси кадрлари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тартибини ишлаб чиқиб, Вазирлар Махкамасига киритсин.

17. Белгилансинки:

Институт ва Ветеринария соҳасида кадрлар малакасини ошириш институти бюджет маблағлари ҳисобидан сақлаш харажатларини молиялаштириш 2024 йилда Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчи сифатида Қишлоқ ҳўжалиги вазирлигига ажратиладиган маблағлар доирасида амалга оширилади, 2025 йилдан бошлаб бюджет қонунчилиги талабларига мувофиқ тақдим этилган бюджет сўровномаларига асосан Давлат бюджети параметрларида назарда тутилади;

Институт Тошкент вилояти, Юқори Чирчиқ тумани, А. Яссавий маҳалласи, Ш. Рашидов кўчаси, 1-йй манзилидаги бинога оператив бошқарув хуқуки асосида жойлаштирилади;

Ветеринария соҳасида кадрлар малакасини ошириш институти Самарқанд

вилояти, Самарқанд шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 77-й манзилидаги бинога оператив бошқарув ҳуқуқи асосида жойлаштирилади.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорлари З-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб хисоблансин.

19. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонунчилик хужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

20. Маъзур қарор ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб қишлоқ хўжалиги вазири И.Ю. Абдурахмонов белгилансин.

Қарор ижросини мухокама қилиш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2024 йил 4 декабрь,  
ПҚ-420-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2024 йил 4 декабрдаги  
ПҚ-420-сон қарорига  
1-ИЛОВА

**Кишлоқ хўжалиги соҳаси кадрларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институти ҳамда Ветеринария ва чорвачилик соҳасида педагог ҳамда мутахассис кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтининг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари**

1. Кишлоқ хўжалиги соҳаси кадрларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институтининг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари:

Кишлоқ хўжалиги вазирлиги марказий аппарати, тизимдаги ташкилот ва корхоналар раҳбар ва мутахассис кадрларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш;

агар соҳадаги олий, профессионал таълим ҳамда илмий-тадқиқот муассасаларининг педагог ва илмий кадрларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш;

маҳаллий давлат бошқаруви органлари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи субъектлар раҳбарлари, бошқа вазирлик ва идоралар тизими-даги ташкилотларнинг қишлоқ хўжалиги масалаларига масъул мутахассис кадрларининг соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳамда инновациялар бўйича малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш;

давлат таълим стандартлари, касбга доир билим ва кўникмаларга қўйилган талаблар асосида меҳнат бозори эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда касбий маълумотга эга агарар ва озиқ-овқат саноати соҳасидаги ташкилотлар ходимлари учун қўшимча ихтисослик бўйича пуллик асосда малака ошириш ва қайта тайёрлаш ўқув курсларини ташкил этиш;

ўқув-машғулот жараёнига, хусусан, агарар соҳа таълим муассасалари амалиётига замонавий инновацион педагогик технологияларни, ўқитишнинг самарали шакллари ва усулларини жорий этиш;

агарар ва озиқ-овқат саноати мутахассисларини касбий, маънавий-маърифий билимларини ошириш, агарар соҳада таълим тизимини илмий-методик таъминлаш, илғор педагогик технологияларни жорий этиш;

агар соҳа ва йўналишларда илмий-тадқиқот фаолиятини юритиш, маҳаллий ва халқаро илмий-амалий лойиҳаларда иштиrok этиш;

агарар ва озиқ-овқат саноатига оид ўқув қўлланмалари, ўқув адабиётлари ва бошқа илмий тавсияларни давлат хариди асосида тайёрлаш ва тарқатиш;

халқаро алоқаларни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, конференциялар, кўргазмалар ва бошқа тадбирлар ўтказиш орқали мамлакатимизнинг қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ютуқларини халқаро даражада кенг ёритиш, хорижий таълим муассасалари билан ҳамкорлик қилиш.

2. Ветеринария ва чорвачилик соҳасида педагог ҳамда мутахассис кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтининг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари:

Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси марказий аппарати, тизимдаги ташкилот ва корхоналар раҳбар ва мутахассис кадрларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш;

ветеринария ва чорвачилик соҳасидаги олий, профессионал таълим ҳамда илмий-тадқиқот муассасаларининг педагог ва илмий кадрларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш;

ветеринария ва чорвачилик фаолияти билан шуғулланувчи субъектлар раҳбарлари, бошқа вазирлик ва идоралар тизимидағи ташкилотларнинг ветеринария ва чорвачилик масалаларига масъул мутахассисларни соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар бўйича малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш;

давлат таълим стандартлари, касбга доир билим ва қўникмаларга қўйилган талаблар асосида меҳнат бозори эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда касбий маълумотга эга ветеринария ва чорвачилик соҳасидаги ташкилотлар ходимлари учун қўшимча ихтисослик бўйича пуллик асосда малака ошириш ва қайта тайёрлаш ўқув курсларини ташкил этиш;

ўқув-машғулот жараёнинга, хусусан, ветеринария ва чорвачилик соҳасидаги таълим муассасалари амалиётига замонавий инновацион педагогик технологияларни, ўқитишнинг самарали шакллари ва усулларини жорий этиш;

ветеринария ва чорвачиликка оид ўқув қўлланмалари, ўқув адабиётлари ва бошқа илмий тавсияларни давлат хариди асосида тайёрлаш ва тарқатиш;

халқаро алоқаларни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, конференциялар, қўргазмалар ва бошқа тадбирлар ўтказиш орқали ветеринария ва чорвачилик соҳасида мамлакатимиз ютуқларини халқаро даражада кенг ёритиш, хорижий таълим муассасалари билан ҳамкорлик қилиш.

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2024 йил 4 декабрдаги  
ПҚ-420-сон қарорига  
2-ИЛОВА

**Қишлоқ хўжалиги соҳаси кадрларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институти ҳамда Ветеринария ва чорвачилик соҳасида педагог ҳамда мутахассис кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтида ташкил этиладиган қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишлари**

1. Қишлоқ хўжалиги соҳаси кадрларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институтида ташкил этиладиган қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишлари:

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги марказий аппарати ва унинг тизимидағи ташкилотлар раҳбар ва мутахассис кадрлар бошқарув кўникмаларини ривожлантириш;

тизимдаги олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари кадрларининг педагогик маҳоратларини ривожлантириш, илмий-педагогик кадрлар ҳамда илмий ходимлар тадқиқотларини ташкил этиш;

маҳаллий давлат бошқаруви органлари ва бошқа ташкилотларнинг қишлоқ хўжалиги масалаларига масъул мутахассисларини соҳада амалга оширилаётган ислохотлар ҳамда инновациялар бўйича ўқитиш;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи субъектлар раҳбар ва ходимларини замонавий агробизнес (фермерликка) ҳамда қўшилган қиймат занжирини яратишга ўқитиш.

2. Ветеринария ва чорвачилик соҳасида педагог ҳамда мутахассис кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтида ташкил этиладиган қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишлари:

Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси марказий аппарати ва унинг тизимидағи ташкилотлар раҳбар ҳамда мутахассис кадрларининг бошқарув кўникмаларини ривожлантириш;

Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси тизимидағи олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларининг педагог кадрлар ҳамда илмий ходимлар тадқиқотларини ташкил этиш ва педагогик маҳоратларини ривожлантириш;

ветеринария ва наслчилик-селекция соҳаларида фаолият олиб борадиган хўжалик юритувчи субъектларни ўқитиш орқали уларнинг салоҳиятини ҳар томонлама ривожлантириш.

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2024 йил 4 декабрдаги  
ПҚ-420-сон қарорига  
3-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон  
Республикаси Хукуматининг ўз кучини йўқотган деб эътироф  
этилаётган айrim қарорлари  
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 7 майдаги «Халқ-аро қишлоқ хўжалиги университетини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-237-сон қарорининг 5-банди.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 26 январдаги «Озиқ-овқат технологияси ва муҳандислиги халқаро институтини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-22-сон қарорининг 4 ва 5-бандлари.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 7 июлдаги «Аграр соҳада илм-фан, таълим ва ишлаб чиқаришни интеграция қилиш орқали сифат ва самарадорликни оширишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-216-сон қарорининг 6-банди.

4. Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги 278-сон «Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига 1-илова «Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ марказлари» бўлимининг 17-позицияси.

5. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги «Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 797-сон қарори 1-бандининг бешинчи хатбошиси, 2-бандининг тўртинчи хатбошиси ҳамда 3-илова.

6. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 19 мартағи «Агросаноат мажмуи учун захира кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 172-сон қарори.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**

**438 Жамоавий спорт турларини ривожлантириш ва иқтидорли ёшларни саралаб олиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида\***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 21 февралдаги «Ўзбекистон — 2030» стратегиясини «Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида»ги ПФ-37-сон Фармони ижросини таъминлаш, шунингдек, жамоавий спорт турларига ёшларни кенг жалб қилиш ва иқтидорли спортчиларни саралаб олиш (селекция) ҳамда юқори маҳоратли спортчиларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш мақсадида:

1. Қўйидагилар жамоавий спорт турларини (волейбол, баскетбол, гандбол, регби, чим устида хоккей, сув полоси) ривожлантиришнинг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

ёшларнинг жамоавий спорт турларига қизиқишини ошириш, уларнинг жамоавий спорт тури билан шугулланиши учун зарур шарт-шароитларни яратиш, шунингдек, спорт мусобақаларини тизимли ўтказиб боришни йўлга кўйиш;

терма жамоалар ва профессионал спорт клублари учун спорт захирасини яратиш, иқтидорли ёш спортчиларни аниқлаш, танлаш ва саралаб олиш (селекция)нинг рақамлаштирилган тизимини жорий қилиш;

тренерлар, ҳакамлар ва мутахассисларни тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш;

жамоавий спорт турларини ривожлантириш мақсадида чет эллик мутахассисларни жалб этиш ва халқаро ҳамкорликни кенгайтириш;

жамоавий спорт турлари бўйича замонавий спорт обьектларини барпо этиш, мавжудларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларни замонавий спорт анжомлари ва жиҳозлари билан таъминлаш.

2. Жамоавий спорт турлари билан мунтазам шуғулланишини ташкил қилиш ҳамда ушбу спорт турларини янада ривожлантириш бўйича «йўл харитаси» (кейинги ўринларда — «йўл харитаси») иловага\*\* мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 15 ноябрдаги «Умумий ўрта таълим мактабларида жисмоний тарбия фани ўқитилишини тубдан такомиллаштириш ҳамда ушбу фан ўқитувчиларининг касбий фаолиятини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-392-сон қарори билан 2025/2026 ўқув йилидан бошлаб ҳар бир мактабда босқичма-босқич мактаб спорт клублари фаолияти йўлга кўйилиши белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

4. Белгилансанки, 2025/2026 ўқув йилидан бошлаб:

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 6 декабрда эълон қилинган.

\*\* Илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

барча давлат университетларида волейбол, баскетбол, гандбол, регби, чим устида хоккей, сув полоси жамоавий спорт турлари бўйича, бошқа давлат олий таълим муассасаларида камидан учта жамоавий спорт турлари бўйича спорт клублари ташкил этилади. Бунда олий таълим муассасаларининг спорт клублари фаолияти учун тегишли олий таълим муассасаси ректори (директори) шахсан масъул ҳисобланади;

спорт клуби раиси этиб олий таълим муассасаси ректори (директори) тайинланади, спорт клуби менежери лавозими эса олий таълим муассасаси кафедра мудири лавозимига тенглаштирилади;

олий таълим муассасаларига ўз спорт клубларини тегишли спорт базаларига беғараз асосда жойлаштириш хукуқи берилади;

олий таълим муассасаларининг спорт клубларини сақлаш, уларни спорт жиҳозлари ва экипировкалари билан таъминлаш олий таълим муассасаларининг тўлов-контракт асосида ўқитишдан тушадиган маблағлари ва бюджетдан ташқари бошқа маблағлари ҳисобидан амалга оширилади;

олий таълим муассасаларининг ҳар йилги бюджетдан ташқари даромадлар ва харажатлар сметасида спорт клубларини сақлаш бўйича харажатлар кўзда тутилади.

Бунда олий таълим муассасаларининг спорт клублари фаолиятини мувофиқлаштириш, уларга ташкилий ва услубий кўмаклашиш Ўзбекистон талабалар спорти ассоциацияси томонидан амалга оширилади.

5. 2025/2026 ўқув йилидан бошлаб жамоавий спорт турлари бўйича:

а) Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Х. Умарова) Спорт вазирлиги (А. Икрамов) билан биргаликда умумий ўрта таълим мактаблари мактаб спорт клублари ўртасида «Мактаб лигаси»;

б) Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (К. Шарипов) Спорт вазирлиги (А. Икрамов) ҳамда Ўзбекистон талабалар спорти ассоциацияси билан биргаликда:

олий таълим муассасалари спорт клублари ўртасида «Талабалар лигаси» ва «Олий таълим кубоги»;

олий таълим муассасалари миқёсида «Ректор кубоги» спорт мусобақаларини ўтказиб боришни йўлга қўйсин.

6. Вазирлик ва идоралар, хўжалик бирлашмалари, давлат иштирокидаги тижорат банклари ва корхоналар (кейинги ўринларда — идоравий ташкилотлар) меҳнат жамоасининг соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва жисмоний фаоллик даражасини ошириш мақсадида уларда камидан учта жамоавий спорт турлари бўйича спорт клублари ташкил қилинади. Бунда:

иш вақтидан сўнг белгиланган кунларда (ҳафтада камидан бир марта) идоравий ташкилотлар раҳбарлари меҳнат жамоасининг жамоавий спорт турлари билан шуғулланишини ташкил қилиш чораларини кўради;

жамоавий спорт турлари бўйича идоравий ташкилотлар кесимида «Рахбар кубоги», маҳаллий ҳокимликлар кесимида «Ҳоким кубоги» мусобақалари ўтказиб борилади;

спорту мусобақалари ғолиб ва совриндорлари спорт мусобақалари ташки-

лотчиларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан молиявий рағбатлантириб борилади.

7. Бизнес хамжамияти, Савдо-саноат палатаси ва жамоавий спорт турлари бўйича спорт федерациялари (уюшмалари)нинг:

тадбиркорлик субъектлари ходимларини жамоавий спорт турлари билан мунтазам шуғулланиб боришга жалб қилиш;

тадбиркорлик субъектларида жамоавий спорт турлари бўйича спорт клубларини ташкил қилиш;

тадбиркорлик субъектлари спорт клублари ўртасида «Корпоратив спорт ўйинлари» спорт мусобақасини ўtkазиб бориш тўғрисидаги ташабbusлари маъқуллансин.

Бунда Савдо-саноат палатаси (Д. Вахабов) ва Спорт вазирлиги (А. Икрамов) хўжалик бирлашмалари билан биргаликда асосий фаолияти тадбиркорлик субъектларини спортга жалб қилиш ва улар ўртасида спорт мусобақаларини ўtkазиб бориш бўлган Ўзбекистон корпоратив спорт ассоциациясини ташкил қилиш чораларини кўради.

8. Савдо-саноат палатаси (Д. Вахабов) Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (И. Норқулов), Спорт вазирлиги (А. Икрамов) ва Солик қўмитаси (Ш. Кудиев) билан биргаликда 2025 йил 1 июлга қадар ходимларининг жамоавий спорт турлари билан шуғулланиши учун зарур шарт-шароитларни яратган тадбиркорлик субъектлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш ҳамда жамоавий спорт турларига ҳомийлик маблағларини йўналтирганлик учун солик имтиёзларини тақдим қилиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсан.

9. Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси (Қ. Куранбаев) Спорт вазирлиги (А. Икрамов), Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Х. Умарова), Оила ва хотин-қизлар қўмитаси (З. Маҳкамова), Ёшлар ишлари агентлиги (А. Саъдуллаев) ва «Нуроний» жамғармаси (С. Турдиев) билан биргаликда:

«маҳалла еттилиги» имкониятларидан фойдаланган ҳолда ҳар бир маҳалла аҳолисини маҳалла ҳудудидаги мавжуд спорт инфратузилмаси ва умумий ўрта таълим мактаблари спорт иншоотларида жамоавий спорт турлари билан шуғулланишга жалб қилиб боришни йўлга қўйисин;

маҳаллалар ўртасида «Маҳалла лигаси» мусобақаларини ўtkазиб борсин.

10. Спорт вазирлиги, Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси, жамоавий спорт турлари бўйича спорт федерациялари (уюшмалари) ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шахри ҳокимликларининг Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шахри ҳокимликлари ҳузурида жамоавий спорт турлари бўйича ҳудудий спорт клублари (кейинги ўринларда — ҳудудий спорт клублари) фаолиятини йўлга қўйиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсан.

11. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Раиси, вилоятлар ва Тошкент шахри ҳокимлари:

босқичма-босқич ҳудудий спорт клубларини ривожлантириш ва молиялаштириш, шунингдек, ҳудудий спорт клубларига ҳомий ташкилотларни бириткириш юзасидан зарур чора-тадбирларни амалга ошириб борсин;

жамоавий спорт турлари бўйича спорт федерациялари (уюшмалари)нинг

худудий бўлинмалари молиявий ва моддий-техник базасини мустаҳкамлашга кўмаклашсин;

тегишли ҳудудларнинг раҳбар кадрлари орасидан номзодларни жамоавий спорт турлари бўйича спорт федерациялари (уюшмалари)нинг ҳудудий бўлинмалари раҳбарлари лавозимига тавсия этиб борсин;

ҳудудий спорт клублари натижалари ва уларни ривожлантириш борасидаги муаммоларни мухокама қилиб борсин.

Бунда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шахри ҳокимликларига ҳудудий спорт клубларини сақлаш харажатларини амалга оширишда молиявий мустақиллик берилади.

#### 12. Белгилаб қўйилсинки:

идоравий мансублиги ва мулкчилик шаклидан қатъи назар, спорт клублари юридик шахс мақоми билан ёки юридик шахс мақомисиз ташкил қилинади;

жамоавий спорт турлари бўйича спорт федерациялари (уюшмалари) томонидан спорт лигаларини ўтказиб бориш йўлга қўйилади;

спорт лигаларида мулкчилик ва ташкилий-хуқуқий шаклларидан қатъи назар, ҳар қандай спорт клублари, шу жумладан, ҳудудий спорт клублари иштирок этади;

спорт лигаларини ўтказиб бориш тартиби жамоавий спорт турлари бўйича спорт федерациялари (уюшмалари) томонидан Спорт вазирлиги ва Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси билан келишилган ҳолда тасдиқланади;

спорт лигаларини ўтказиб бориш билан боғлиқ харажатлар Спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг республика календарь режаси доирасида молиялаштирилади;

ҳудудий спорт клубларининг спорт лигаларидаги натижаларидан келиб чиқиб, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шахри ҳокимликлари рейтингини шакллантириш ва юритиш йўлга қўйилади.

13. Жамоавий спорт турлари бўйича юқори маҳоратли спортчилар ва малякали тренерларни тайёрлаш ҳамда спорт тайёргарлиги жараёнига халқаро стандартларни жорий қилиш мақсадида:

жамоавий спорт турлари бўйича миллий терма жамоалар аъзоларини мунтазам маҳаллий ва хорижий ўқув-йифин машғулотларига юбориш йўлга қўйилади;

жамоавий спорт турлари бўйича таҳсил олаётган «Спорт фаолияти» бакалавриат йўналишлари талабаларини доимий маҳаллий ва хорижий ўқув-йифин машғулотларига жалб қилиш ҳамда хорижлик мутахассисларга бириклиши тартиби жорий этилади.

Спорт вазирлиги (А. Икрамов) Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси (О. Умаров) билан биргаликда жамоавий спорт турлари бўйича миллий терма жамоалар аъзоларини мунтазам маҳаллий ва хорижий ўқув-йифин машғулотларига юбориш графигини тасдиқласин.

14. Белгилансинки, илгор технологияларни жорий қилиш орқали иқтидорли ёшларни саралаб олиш (селекция)нинг шаффоф тизимини жорий этиш

максадида 2025 — 2027 йилларда «ERP-sport» ягона электрон бошқарув тизимида иқтидорли ёшларни аниқлаш, танлаш ва саралаб олиш (селекция) бўйича техник имкониятлар яратилади. Бунда:

ҳар бир жамоавий спорт тури бўйича алоҳида мезонлар ишлаб чиқилади; спортчиларнинг жорий жисмоний ҳолати тўғрисидаги маълумотларни «ERP-sport» ягона электрон бошқарув тизимига юклаб бориш механизми йўлга қўйилади;

сунъий интеллектдан фойдаланган ҳолда тўпланган маълумотларни таҳлил қилиш ҳамда спортчиларнинг жисмоний ҳолати ва имкониятларини баҳолаш тизими жорий этилади;

жамоавий спорт турлари бўйича иқтидорли спортчи ёшларни аниқлаш, танлаш ва саралаб олиш (селекция) жараёни тўлиқ рақамлаштирилади;

иқтидорли спортчи ёшларни аниқлаш, танлаш ва саралаб олиш бўйича (селекция) техник имкониятлар яратиш билан боғлиқ харажатлар Спортни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

15. Спорт вазирлиги, Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси ва спорт федерациялари (уюшмалари)нинг Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси ва олимпия спорт турлари бўйича спорт федерациялари (уюшмалари) ўртасида ўзаро мажбуриятлар келишувини тузиш тизимини йўлга қўйиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Белгилансинки:

ўзаро мажбуриятлар келишуви Олимпия ўйинлари ўтказиладиган муддатга қадар тузилади;

ўзаро мажбуриятлар келишувида спорт федерацияси (уюшмаси)нинг нуфузли ҳалқаро спорт мусобақаларида юқори натижаларга эришиш бўйича вазифалари ва мажбуриятлари кўзда тутилади;

спорт федерацияси (уюшмаси)нинг нуфузли ҳалқаро спорт мусобақаларидаги натижаларидан келиб чиқиб, уларнинг фаолиятини молиялаштириш миқдорлари белгилаб борилади.

Спорт вазирлиги (А. Икрамов) 2025 йил якунiga қадар Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси ва спорт федерациялари (уюшмалари) ўртасида ўзаро мажбуриятлар келишувини тузиш тартибини тасдиқлаш бўйича Хукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

16. Белгилаб қўйилсинки, Спорт вазирлиги томонидан ушбу қарор ва «йўл харитаси»да кўзда тутилган чора-тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли амалга оширилиши бўйича ҳар ярим йилда бир маротаба Вазирлар Маҳкамасига ахборот киритилади ва Бosh вазир ҳузурида муҳокама қилиб борилади.

17. Спорт вазирлиги (А. Икрамов):

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда ушбу қарорда кўрсатилган мусобақаларга пухта тайёргарлик кўриш ва уларни юқори савияда ўтказиш бўйича чора-тадбирлар режасини тасдиқласин;

уч ой муддатда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

18. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб спорт вазири А.И. Икрамов белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси департаменти раҳбари О.Қ. Абдурахманов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2024 йил 4 декабрь,  
ПҚ-421-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ

**439 «Фелон» туристик-рекреацион зонасини ва халқаро умуммавсумий курортни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида\***

Республиканинг туристик салоҳиятини ошириш бўйича ислоҳотларни изчил давом эттириш, тоғ ва тоголди худудлардаги ишга туширилмаган мавжуд имкониятлардан оқилона фойдаланиш ҳисобига экологик туризм инфратузилма обьектларини барпо этиш, шунингдек, туризм хизматларини диверсификация қилиш ҳамда инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни жадаллаштириш орқали тоғли ва чекка худудлардаги аҳоли бандлигини таъминлаш, уларнинг даромад манбанин кенгайтириш мақсадида:

1. Қўйидагилар:

Қозон шаҳрида (Россия Федерацияси) 2023 йил 4 — 6 октябрь кунлари бўлиб ўтган III худудлараро ҳамкорлик форуми доирасида Россия томони билан Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз туманида «Фелон» халқаро умуммавсумий курорт мажмуасини ташкил этиш» лойиҳасини (кейинги ўринларда — Инвестиция лойиҳаси) амалга ошириш бўйича келишувга эришилганлиги;

Инвестиция лойиҳаси доирасида инвестор томонидан Инвестиция лойиҳасини амалга ошириш даврида юзага келиши мумкин бўлган хавф-хатарларни ўз зиммасига олган ҳолда дастлабки баҳолаш бўйича жами 300 миллион АҚШ доллари миқдорида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилиши;

Инвестиция лойиҳаси 2024 — 2030 йиллар давомида уч босқичда амалга оширилиши, бунда 2027 йил 1 январга қадар биринчи босқичда инвестор томонидан 100 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритилиши режалаштирилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги ҳамда Қашқадарё вилояти ҳокимлигининг:

Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз туманида умумий ер майдони 2,9 минг гектар бўлган «Фелон» туристик-рекреацион зонасини (кейинги ўринларда — Туристик зона) ташкил этиш;

Қашқадарё вилояти ҳокимлиги ҳузурида давлат муассасаси шаклида «Фелон» туристик-рекреацион зонаси дирекциясини (кейинги ўринларда — Дирекция) тузиш;

Туристик зона ҳудудида замонавий меҳмонхона мажмуалари, маданий-соғломлаштириш, савдо-кўнгилочар ва туристик аҳамиятдаги бошқа обьектларни ҳамда муҳандислик инфратузилмаларини барпо этиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 6 декабрда эълон қилинган.  
\*\* Илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Белгилансинки, Туристик зона фаолият кўрсатиш муддатини кейинчалик узайтириш имконияти билан 30 йилга ташкил қилинади.

**3. Қўйидагилар:**

«Фелон» туристик-рекреацион зонаси чегараларининг тавсифи 1-иловага\* мувофиқ;

«Фелон» туристик-рекреацион зонаси ҳудудини тизимли ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар 2-иловага\* мувофиқ;

«Фелон» туристик-рекреацион зонаси ва унга олиб борувчи йўл-транспорт, мухандислик-коммуникация ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури 3-иловага\* мувофиқ тасдиқлансан.

**4. Белгилансинки:**

Туристик зона ҳудудидаги ер участкаларини реализация қилишдан ва ижарага беришдан келиб тушган маблағлар аукцион харажатлари чегириб ташланган ҳолда Дирекциянинг шахсий ҳисобвараfigа ўтказилади;

Туристик зонанинг бош режаси ва батафсил режалари лойиҳаларини ишлаб чиқиши ҳамда консалтинг компаниялари, маҳаллий ва хорижий эксперtlар ҳамда бошқарув компаниялари хизматлари учун ҳақ тўлаш Тоғли ва олис ҳудудларда туристик инфратузилмани ривожлантириш жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) маблағлари ҳисобидан амалга оширилади;

Жамғарма ҳисобидан амалга ошириладиган харажатлар «Чорвок» туристик-рекреацион зонаси дирекцияси ва Қашқадарё вилояти ҳокимлиги томонидан тасдиқланадиган график асосида Туристик зона ҳудудидаги ер участкаларини электрон онлайн аукцион орқали реализация қилишдан тушган тушумлар ҳисобидан қопланади;

Туристик зона инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш харажатлари белгиланган тартибда тасдиқланган лойиҳанинг техник-иктисодий асосларига мувофиқ амалга оширилади.

**5. Қашқадарё вилояти ҳокимлиги Экология, атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, Курилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, Кадастр агентлиги ҳамда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда:**

икки ой муддатда Туристик зона фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари юзасидан Ҳукумат қарори лойиҳаси белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритилишини;

2025 йил 1 июнга қадар Туристик зонанинг бош режаси ва батафсил режалари лойиҳалари ишлаб чиқилиши ва тасдиқланишини;

2025 йил 1 октябрга қадар Дирекция томонидан Туристик зонани ривожлантиришни назарда тутувчи мастер режа ишлаб чиқилиши ва тасдиқланишини таъминласин.

**6. Белгилаб қўйилсинки:**

Туристик зонадаги туристик инфратузилмани яратиш имконияти бўлган ер участкалари кейинчалик самарали фойдаланиш ва (ёки) инвесторларга реализация қилиш учун доимий фойдаланиш хукуқи билан Дирекцияга ўтказилади;

\* 1 — 3-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллӣ базаси»да эълон қилинган.

Туристик зона худудидаги ер участкаларини реализация қилишдан түшгән маблағлар Дирекция фаолиятини молиялаштириш ҳамда тоғ туризми лойиҳаларини амалга ошириш, жумладан мухандислик-коммуникация тармоқларини қуриш ва таъмирлаш чора-тадбирларини молиялаштиришга йўналтирилади;

Туристик зона ҳудудида ҳамда Инвестиция лойиҳаси доирасида умуммавсумий туристик объектларни қуриш ва улардан фойдаланиш, ушбу объектларнинг Туристик зонанинг бош режасига мувофиқлиги Дирекция томонидан назорат қилинади;

Дирекция Туристик зона ҳудудида умумий фойдаланишдаги йўллар ва ташқи мухандислик-коммуникация тармоқларини қуриш ҳамда лойиҳаларни амалга ошириш бўйича буюртмачи ҳисобланиб, йўл ва ташқи мухандислик-коммуникация тармоқларини Туристик зонанинг чегараларигача етказиб бериш мажбуриятини бажаради;

Дирекция лойиҳа компаниялари томонидан ишлаб чиқилган лойиҳа ҳужжатларига мувофиқ Туристик зона ҳудудида зарур инфратузилма объектлари барпо этилишини таъминлайди.

#### 7. Қашқадарё вилояти ҳокимлиги бир ой муддатда:

Дирекцияни Қашқадарё вилояти Шахрисабз тумани «Мираки» МФЙ Фурқат кўчаси 1-йи манзили бўйича жойлаштирилишини таъминласин;

Дирекция фаолиятини ташкил қилиш, шу жумладан унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, жойлаштириш, асосий воситалар, анжомлар ва транспорт воситалари билан таъминлаш учун қонунчиликда тақиқланмаган манбалар ҳисобидан зарур маблағлар ажратсин.

8. Қашқадарё вилояти ҳокимлиги Кадастр агентлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Экология, атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳамда Курилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги билан биргаликда:

икки ой муддатда Туристик зона ҳудудидаги ер участкалари, бино ва иншоотлар ҳамда дараҳт ва буталар тўлиқ хатловдан ўтказилишини, мавжуд дараҳт ва буталар белгиланган тартибда муҳофазага олинишини;

уч ой муддатда ер участкалари олиб қўйилиши ва (ёки) бино ҳамда иншоотлари бузилиши натижасида мулкдорларга етказиладиган заарлар миқдорига аниқлик киритилишини;

баҳолаш ишларини ташкил этиш учун зарур ҳужжатлар, шу жумладан ер участкасига бўлган ҳуқуқларнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар тўплами тайёрланиши, баҳоловчи ташкилотлар жалб қилиниши ва баҳолаш тўғрисидаги ҳисботлар экспертизадан ўтказилишини;

ер участкалари олиб қўйилишидан аввал мулкдорларга компенсация тўловлари тўлиқ ҳажмда тўлаб берилишини таъминласин.

#### Бунда:

ер участкалари эгаларига етказилган зарар қонунчиликда белгиланган тартибда қоплаб берилади;

Туристик зона ҳудудида амалга ошириладиган лойиҳалар учун ажрати-

ладиган ер участкаларида қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликлари ўрнини қоплаш бўйича компенсация тўловлари лойиҳа ташаббускорлари томонидан қоплаб берилади.

9. Иктиносидиёт ва молия вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Транспорт вазирлиги, Энергетика вазирлиги, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги, Туризм қўмитаси, «Худудий электр тармоқлари» АЖ ҳамда Қашқадарё вилояти ҳокимлиги Инвестиция лойиҳаси доирасида:

умумий узунлиги 33 км бўлган Ҳисорак — Фелон, Ҳисорак — Сарчашма автомобиль йўлини икки тасмали қилиб, Чироқчи — Шўрқудук автомобиль йўлининг 30 км қисмини учинчи тоифадаги йўл даражасигача етказиш бўйича қурилиш ва реконструкция ишлари амалга оширилишини;

Мираки — Ҳисорак автомобиль йўлини икки тасмали қилиб, учинчи тоифадаги йўл даражасигача етказилишини;

ишлаб чиқиладиган лойиҳа-смета хужжатларига асосан Туристик зона чегараларига қадар электр энергияси тармоғини тортиш ва подстанция барпо этиш, шунингдек, ичимлик ва оқова сув тармоқларини ўтказиш ишлари амалга оширилишини таъминласин.

Бунда ташқи инфратузилма билан таъминлаш харажатларини молиялаштириш ва буюртмачиларни белгилаш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 25 августдаги «Инвестиция лойиҳаларини ташқи инфратузилма билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-5233-сон ҳамда 2024 йил 5 июндаги «Республика худудларининг туризм салоҳиятини янада ривожлантиришга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-212-сон қарорларига мувофиқ амалга оширилади.

10. Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги:

а) Энергетика вазирлиги, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги, Транспорт вазирлиги, Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги, Рақамли технологиялар вазирлиги, «Худудий электр тармоқлари» АЖ ва «Ўзсувтаминот» АЖ билан биргаликда 2025 йил 1 марта қадар Инвестиция лойиҳаси доирасида обьектларнинг лойиҳа хужжатларини ишлаб чиқиш, уларни келишиш ҳамда рухсат этиш хусусиятига эга бўлган хужжатларни белгиланган тартибда расмийлаштириш ишларини якунласин;

б) Қашқадарё вилояти ҳокимлиги ҳамда Туризм қўмитаси билан биргаликда:

Туристик зона худудида туристик инфратузилма обьектларини барпо этиш учун нуфузли ташкилотларни, шу жумладан салоҳиятли хорижий ва маҳаллий инвесторларни жалб қилиш;

истиқболли ва устувор лойиҳалар рўйхатини шакллантириш, Туристик зона худудида дастлабки туризм, йўл-транспорт инфратузилмаси ҳамда коммуникация тармоқларини ривожлантириш учун халқаро молия институтларининг имтиёзли кредитлари ва грантларини жалб қилиш чораларини кўрсин.

11. Туризм қўмитаси Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда 2025 йил

1 апрелга қадар Туристик зона брендини яратиб, республика худудида ҳамда хорижий давлатларда кенг тарғиб қилиш чораларини кўрсин.

12. Қашқадарё вилояти ҳокимлиги ҳамда Экология, атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги:

Шахрисабз туманида Туристик зона худуди доирасида қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг ер фонди тоифаларини ўзгартириш бўйича таклифларни Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ва ўрмон фонди ерларининг ер фонди тоифаларини ўзгартириш масалаларини кўриб чиқиш бўйича Ҳукумат комиссиясига киритсин;

Туристик зона худудида йўл кўрсаткичларини ўрнатиш ва намунавий санитария-гигиена шохобчаларини жойлаштириш ҳамда чиқиндиларни ташлаш нуқталарини белгиласин;

Туристик зона худудида майший чиқиндиларнинг ҳосил бўлишини минималлаштириш, замонавий технологияларни жорий этиш орқали қаттиқ майший чиқиндиларни алоҳида йигиш ва олиб чиқиб кетиш ишларини ташкил этсин;

Ички ишлар вазирлиги ва Миллий гвардия билан биргаликда Туристик зона худудида экология ва атроф-мухитни муҳофаза қилиш соҳасидаги қонунчиликка қатъий риоя этилиши юзасидан экологик назоратни ўрнатсин.

13. Ички ишлар вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда Туристик зона худудида Қашқадарё вилояти ички ишлар бошқармаси Хавфсиз туризмни таъминлаш бошқармасининг мавжуд штат бирликлари ҳамда иш ҳаки жамғармаси доирасида хавфсизликни таъминлаш бўлимини ташкил этиш дастурини тасдиқласин.

14. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясига қишки спорт турларини оммалаштиришга қаратилган мақолалар чоп этиш ва мавзули теледастурларни эфирга узатиш тавсия этилсин.

15. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Боз вазир ўринбосари Ж.А. Ходжаев ҳамда Қашқадарё вилояти ҳокими М.Б. Азимов белгилансин.

Қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Боз вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2024 йил 5 декабрь,  
ПҚ-424-сон

**БЕШИНЧИ БЎЛИМ**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRINING  
BUYRUG'I

**440 Fuqarolik holati dalolatnomalarini yozish organlarida ish  
yuritish tartibi to'g'risidagi yo'riqnomaga qo'shimchalar  
va o'zgartirish kiritish haqida\***

*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2024-yil  
4-dekabrdan ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 2547-7*

O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2023-yil 20-oktabrdagi 550-son "Nikoh, oila va fuqarolik holati dalolatnomalarini qayd etish sohasidagi normativ-huquqiy hujjatlarni tizimlashtirish to'g'risida"gi qaroriga muvofiq **buyuraman**:

1. O'zbekiston Respublikasi adliya vazirining 2013-yil 31-dekabrdagi 400-mh-son buyrug'i (ro'yxat raqami 2547, 2013-yil 31-dekabr) (O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2014-y., 1-son, 10-modda) bilan tasdiqlangan Fuqarolik holati dalolatnomalarini yozish organlarida ish yuritish tartibi to'g'risidagi yo'riqnomaga ilovaga muvofiq qo'shimchalar va o'zgartirish kiritilsin.

2. Mazkur buyruq rasmiy e'lon qilingan kundan e'tiboran kuchga kiradi.

**Vazir****A. TASHKULOV**

Toshkent sh.,  
2024-yil 2-dekabr,  
29-mh-son

\* Ushbu buyruq «Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi»da 2024-yil 5-dekabrdan e'lon qilingan.

O'zbekiston Respublikasi  
adliya vazirining 2024-yil 2-dekabrdagi  
29-mh-son buyrug'iga  
ILOVA

**Fuqarolik holati dalolatnomalarini yozish organlarida  
ish yuritish tartibi to'g'risidagi yo'riqnomaga kiritilayotgan  
qo'shimchalar va o'zgartirish**

1. 81-band “nikoh qayd qilinganligini tasdiqlovchi hujjatlari” degan so‘zlardan keyin “(davlat tiliga tarjimasi bilan birga)” degan so‘zlar bilan to‘ldirilsin.
2. 98-band “nikohdan ajralganligini tasdiqlovchi hujjatlari” degan so‘zlardan keyin “(davlat tiliga tarjimasi bilan birga)” degan so‘zlar bilan to‘ldirilsin.
3. 103-band “vafot etganligini tasdiqlovchi hujjatlari” degan so‘zlardan keyin “(davlat tiliga tarjimasi bilan birga)” degan so‘zlar bilan to‘ldirilsin.
4. 147-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:  
“147. Tug‘ilganlik haqidagi ma'lumotnomalar va takroriy guvochnomalar shaxsning o‘ziga, uning ota-onalariga yoki qonunchilikda belgilangan tartibda tasdiqlangan ishonch qog‘ozlari asosida boshqa shaxslarga ularning mazkur Yo‘riqnomaning 69-ilovasiga muvofiq shakldagi arizasi asosida beriladi.”.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СПОРТ ВАЗИРИНИНГ  
БҮЙРУГИ

**441**    **Ўзбекистон Республикаси Спорт вазирлиги стипендияси-  
ни тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг  
иловасига ўзгариши киритиш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил  
4 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3479-1*

Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги  
Қонунига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси ёшлар сиёсати ва спорт вазирининг 2023 йил  
10 ноябрдаги 18-мҳ-сон бўйруғи (рўйхат рақами 3479, 2023 йил 4 декабрь)  
(Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 05.12.2023 й., 10/23/3479/  
0921-сон) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Спорт вазирлиги  
стипендиясини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг иловаси  
иловага мувофиқ таҳрирда баён этилсин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазир-  
лиги ҳамда Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитаси билан келишилган.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга  
киради.

**Вазир**

**А. ИКРАМОВ**

Тошкент ш.,  
2024 йил 27 ноябрь,  
8-мҳ-сон

*Келишилди:*

**Иқтисодиёт ва молия вазири**

**Д. КУЧКАРОВ**

*2024 йил 4 ноябрь*

**Ўзбекистон Миллий паралимпия  
қўмитаси раиси**

**M. ТАШХОДЖАЕВ**

*2024 йил 29 октябрь*

Ўзбекистон Республикаси  
спорт вазирининг 2024 йил 27 ноябрдаги  
8-мҳ-сон бўйруғига  
ИЛОВА

«Ўзбекистон Республикаси  
Спорт вазирлиги стипендиясини тайинлаш ва  
тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга  
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Спорт вазирлигининг  
стипендиясига номзод спортчиларнинг охирги бир йилда  
Олимпия ва Паралимпия, Осиё ва Параосиё ўйинлари дастурига  
киритилган спорт турлари бўйича халқаро мусобақалардаги  
иштирокига оид асосий  
МЕЗОНЛАР**

T/р	Мусобақалар номи	Ўринлар
<b>Олимпия ва Паралимпия ўйинлари дастурига киритилган спорт турлари бўйича</b>		
1.	Олимпия ва Паралимпия ўйинлари (ўсмиirlар, катталар)	1 — 8 ўрин
2.	Осиё ва Параосиё ўйинлари (катталар)	1 — 4 ўрин
3.	Осиё ва Параосиё ўйинлари (ёшлар ва ўсмиirlар)	1 — 3 ўрин
4.	Жаҳон чемпионати (ўсмиirlар, ёшлар, катталар)	1 — 6 ўрин
5.	Осиё чемпионати (ўсмиirlар, ёшлар, катталар)*	1 — 3 ўрин
6.	Марказий Осиё чемпионати (катталар)**	1-ўрин
<b>Осиё ва Параосиё ўйинлари дастурига киритилган ноолимпия спорт турлари бўйича</b>		
1.	Жаҳон чемпионати (ўсмиirlар, ёшлар, катталар)	1 — 3 ўрин
2.	Осиё чемпионати (ёшлар, катталар)	1 — 3 ўрин
3.	Осиё ва Параосиё ўйинлари (катталар)	1 — 3 ўрин

*Изоҳлар:*

*Спорт вазирлиги стипендияси 16 ёш ва ундан катталар учун татбиқ этилади.*

\* Осиё-Океания чемпионати учун ҳам татбиқ этилади.

\*\* Мусобақаларда камида 5 та мамлакатнинг вакиллари ва (ёки) терма жамоалари қатнашган бўлиши керак.».

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг  
вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг  
норматив-хукуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан  
ўтказиш ҳолати тўғрисида  
МАЪЛУМОТИ**

***I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:***

1. O‘zbekiston Respublikasi adliya vazirining 2024-yil 2-dekabrdagi 29-mh-son “Fuqarolik holati dalolatnomalarini yozish organlarida ish yuritish tartibi to‘g‘risidagi yo‘riqnomaga qo‘sishimchalar va o‘zgartirish kiritish haqida”gi buyrug‘i.

***2024-yil 4-dekabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 2547-7.***

2. Ўзбекистон Республикаси спорт вазирининг 2024 йил 27 ноябрдаги 8-mh-сон “Ўзбекистон Республикаси Спорт вазирлиги стипендиясини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг иловасига ўзгартириш киришиш ҳақида”ги буйруғи.

***2024 йил 4 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3479-1.***